БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-йил чиқиши
№ 102 (1106)
23 МАЙ ЖУМА 1958 йил
Баҳоси 20 тийин

Ер учинчи сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида

Учинчи сунъий йўлдош 22 май эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 90 марта айланиб чиқди. 20 мегагерц частотада ишлаётган передатчикнинг радиосигналларини бутун дунёда юзлаб радиостанциялар қабул қилиб турмоқда. Йўлдошдан берилаётган сигналларни махсус кузатиш радиостанцияларидан, ташқари радиоҳаваскорларнинг клублари, чунончи Ленинград, Магадан, Архангельск ва бошқа жойлардаги радиоҳаваскорлар клублари ҳам қабул қилмоқда ва ёзиб олмоқда. Йўлдошнинг сигналлари қабул қилинаётганлиги тўғрисида ҳозирги вақтда денгизда сузиб юрувчи корабларнинг капитанларидан ҳам хўп хабарлар олинмоқда.

Мирний поселкасидаги Антарктика экспедициясининг радиостанциялари, шунингдек ҳозирги вақтда Тинч океанда, Жанубий Африканинг ғарбий қирғоғи ёнида бўлган «Обь» дизель-электроходидаги радиостанциялар йўлдошнинг ҳаракатини кузатмоқдалар ва унинг сигналларини қабул қилмоқдалар.

Бу кузатиш материалларининг ишлаб чиқилиши ташқи ионосферанинг физик ҳолати тўғрисида ва қуёш фаолиятининг унга таъсири тўғрисида билимларимизни кенгайтиришга имкон беради.

Ҳаво очиқ ва булутсиз бўлганда учинчи сунъий йўлдошни ва уни учирган ракетани қуёш ботгандан кейин шимолий кенгликнинг 24 градусидан жанубий кенгликнинг 14 градусигача ҳамда қуёш чиқиши олдидан жанубий кенгликнинг 42 градусидан 65 градусигача оддий кўз билан кўриш мумкин. Кенгликларнинг мазкур интервалларидан шимолроқда ва жануброқда жойлашган пунктларда йўлдошни ва уни учирган ракетани горизонтга нисбатан кичикроқ бурчак остида оддий кўз билан кўриш мумкин бўлади. (ТАСС).

Сиёсий агитациянинг таъсирчанлигини оширайлик

Шу кеча-кундузда пахта далаларида ҳаёт қайнамоқда, ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси ва механизатор ҳосил тақдири тўғрисида ўйламоқда. Чигит бир текис униб чиққан далалар кўмкўк либос кийган. Яхлит карталардаги яшил квадратлар кўзни қамаштиради, кенг води бўйлаб универсалнинг равон овози эшитилади. Фурсат ганиматида экинни меҳр-муҳаббат билан парвариш қилиш, гўза тупларига жон киргизиб, мўл ҳосил тўплаш керак. Катта-кичик ҳар бир пахтакорнинг фикри-зикри шунда.

Маълумки, ишнинг муваффақиятини ҳамма жойда одамлар ҳал қилади. Шунинг учун ҳам аввал баҳордан бери астойдил меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириш талбирларини амалга ошираётган колхозчи, совхоз ишчиси ва механизаторларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш партия ташкилотларининг бевосита бурчи ва жонажон ишидир.

Оммавий-сиёсий ишлар ҳар томонлама кенг кўламда олиб борилаётган, у қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида турган конкрет амалий вазифаларни бажаришга қаратилган жойларда гўза парвариши намунали ўтказилмоқда ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларининг муваффақиятли бажарилиши таъминланмоқда.

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхознинг барча бригада ва звеноларида гўза парвариши кучайтириб юборилган. Ватанпарвар колхозчилар ва механизаторлар об-ҳавонинг ноқулай келиши туфайли рўй берган катта қийинчиликларни сабот-матонат билан бартараф қилиб, ҳозир чигит бир текис униб чиққан ҳамма майдонларда гўзани чопиш, яганалаш, культивация қилиш ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Колхоз партия ташкилоти правление билан бамаслаҳат иш кўриб, колхозчилар ва механизаторларнинг унумли меҳнат қилишлари, ҳордиқ чиқаришлари ҳамда маънавий озуқа олишлари учун барча зарур шароитларни яратиб берган. Бригадаларда иссиқ овқат ташкил этилган, марказий ва бригадалардаги кўчма яслилар мунтазам ишлаб турибди. Дала шийпонлари яхшилаб жиҳозланган, колхозчиларни фидокорона меҳнат қилишга даъват этувчи шиорлар, жанговар чақириқлар, колхоз экономикасининг ўсишини ифодаловчи диаграммалар билан безатилган. Шу кунларда агитаторлар ҳар куни дала шийпонларида бўлиб, колхозчилар билан турли темаларда самимий, дилкаш ва таъсирчан суҳбатлар ўтказмоқдалар, деворий газета ва «Жанговар варақа»лар чиқармоқдалар. Бу тадбирлар барча колхозчиларни пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва хўжаликнинг бошқа соҳаларини юксалтириш учун курашга тўла сафарбар этиш имкониятини бермоқда.

Афсуски, баъзи район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларнинг ролига етарли баҳо бермаётирлар. Чунончи, Оққўрғон районидаги кўпгина колхозларда, жумладан «Октябрь 40 йиллиги» колхозида оммавий-сиёсий ишлар жуда бўш ташкил этилган. 15 та пахтачилик бригадасидан фақат 4 тасида дала шийпони бор. Улар ҳам расмият учунгина мавжуд. Бу дала шийпонларида системали равишда суҳбат ва лекциялар ўтказилмайди, агитаторларнинг иши билан ҳеч ким қизиқмайди. Бригадаларнинг бирортасида болалар яслиси ташкил этилмаган. Шунинг учун ҳам колхозда дала ишлари ҳаддан ташқари судралмоқда. Колхозчилар ўртасида меҳнат интизомини бузиш фактлари содир бўлмоқда. Партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Чиннибеков) эса бу иш билан етарли шуғулланмаётир. Колхозга район партия комитетининг бюро аъзоси, райижроком раиси Ўртоқ Иброҳимов вакил қилиб биркитилган. Аммо у оммавий-сиёсий ишларни яхшилашда колхоз партия ташкилотига ёрдам бераётгани йўқ. Райондаги Ленин номли, Калинин номли колхозларда ҳам аҳвол бундан сира қолишмайди. Шундай экан, район партия комитетининг бу колхозларнинг аъзолари ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай муваффақият омма орасида қунт билан олиб бориладиган катта ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар натижасида қўлга киритилади. Лекин бу ишларнинг ҳаммасини хўжалик вазифаларини бажариш билан мустаҳкам боғлаган ҳолда олиб бориш керак.

Сиёсий агитациянинг кучи унинг жанговарлиги, чуқур ғоявийлиги, муайян бир мақсадга қаратилганлиги, агитатор томонидан суҳбат темасининг тўғри танланиши, агитатор тилининг ўткирлиги, бой, мазмундор ва ҳаммага тушунарли бўлишида, тушунтириш ишларининг ҳаёт билан боғланганлиги ҳамда кишиларни сафарбар этувчанлигидадир. Шу туфайли агитатор қуруқ ваъзхон ёки фақат газета ўқиб берувчи бўлиб қолмай, балки у жонли, ижодий иш олиб бориши, ўзининг мазмундор, мароқли суҳбати билан одамларни янги меҳнат зафарларига руҳлантириши, уларни гўза парваришини кучайтиришга ва мўл ҳосил етиштириш билан боғлиқ бўлган бундан кейинги тадбирларни амалга оширишга сафарбар эта олиши керак. Бу, агитатордан ўз устида қунт билан ишлашни, сиёсий билимини ошира боришни, ҳамма янгиликларни зийраклик билан пайқаб олишни, партия ва ҳукуматимизнинг тинчликсеварлик ташқи сиёсати ҳамда халқ фаровонлигини тинмай эшириш тўғрисида кўраётган оқилона тадбирларини содда тил билан сўзлаб беришни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир агитатор социалистик мусобақани ташкил этмоғи, бунда илғорлар тажрибасига таянмоғи, қолоқ участкаларни кўтаришга эътибор бермоғи, ўзи илғорлар сафидан ўрин олиб, бошқаларга шахсий намуна кўрсатмоғи керак. Партия ташкилотлари эса асосий эътиборни агитаторларни танлаш, бу ишга назарий жиҳатлан пухта тайёрланган, суҳбат ва лекциялар ўтказишга қобидиятли кишиларни тайинлашга қаратишлари зарур.

Қишлоқ партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий агитациянинг таъсирчан, ғоявий мазмуни юксак, конкрет, жанговар ва ҳужумкор бўлишига эришишлари, бу ишларни бевосита далага кўчиришлари, дала шийпонларини колхозчиларнинг роҳатланиб дам оладиган жойига, жанговар сиёсий агитациянинг чинакам марказига айлантиришлари лозим.

Областимиз меҳнаткашлари бу йил мамлакатга камида 475 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юксак мажбурият олганлар. Бу мажбуриятни қуруқ тантанали ваъдалар бериш, мажлисбозлик ёки маъмуриятчилик билан бажариб бўлмайди.

Вазифа — мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин ҳозирланаётган ҳозирги кунларда социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик қилишдан, уларнинг бутун куч-ғайратини гўза парваришини кучайтиришга сафарбар этишдан, бунинг учун омма орасида олиб борилаётган жанговар сиёсий агитациянинг таъсирчанлигини оширишдан ва уни ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтаришдан иборат.

ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИ УРХО КЕККОНЕН МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқига келган ҳурматли меҳмон—Финляндия республикасининг президенти Урхо Калев Кекконенни москваликлар 22 майда тантанали суратда кутиб олдилар.

Москва вақти билан соат ўн учда фин самолети Внуково аэродромига келиб қўнди. Совет пойтахтининг юзлаб ишчилари, хизматчилари, интеллигенция вакиллари учиш майдонига тўпландилар.

К. Е. Ворошилов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Ж. А. Ташенев, К. М. Озолинь ўртоқлар, СССР министрлари, Совет Армияси маршаллари ва генераллари, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари ҳурматли меҳмонни кутиб олиш учун аэродромга келдилар.

Финляндия республикасининг СССРдаги элчиси Ээро А. Вуори, чет эл дипломатлари, совет ва чет эл журналистлари Финляндия президентини кутиб олдилар.

Президент Урхо Кекконенни ва унга ҳамроҳ бўлиб келган Финляндиянинг кўзга кўринарли давлат ва жамоат арбобларини бу ерда тўпланганлар самимий табрикладилар.

К. Е. Ворошилов ва Урхо Кекконен аэродромда дўстона нутқлар сўзладилар. Уларнинг нутқлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Финляндиялик меҳмонлар ва совет раҳбарлари аэродромдан шаҳар томон йўл олдилар. Пойтахт кўчаларида уларни минг-мингларб москваликлар табрикладилар. Магистралларда ва майдонларда совет ва фин халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик шарафига, Финляндия бошлиғи — президент Урхо Кекконен шарафига табрик сўзлари ёзилган қизил алвонлар ҳўйилган эди. (ТАСС).

Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида қатнашувчи мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг кенгаши

20 майда Москвада Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида қатнашувчи малмакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг кенгаши очилди.

Кенгаш ишида қуйидаги вакиллар қатнашмоқда:

Албания Меҳнат партиясидан Анвар Хўжа, Мехмет Шеху. Спиро Колека, Кичо Нгъеля, Бехар Штюлла, Ариф Хаско ўртоқлар;

Болгария Коммунистик партиясидан Тодор Живков, Антон Югов, Райко Дамянов, Петр Панчевский, Руси Христозов, Карло Луканов ўртоқлар;

Венгрия Социалистик ишчи партиясидан Янош Кадар, Антал Апро, Геза Ревес, Арпад Кишш ўртоқлар;

Германия Бирлашган социалистик партиясидан Вальтер Ульбрихт, Отто Гротеволь, Генрих Рау, Вилли Штоф, Бруно Лёйшнер, Отто Винцер ўртоқлар;

Польша Бирлашган ишчи партиясидан Владислав Гомулка, Юзеф Циранкевич, Стефан Ендриховский, Петр Ярошевич ўртоқлар;

Руминия Ишчи партиясидан Георге Георгиу-Деж, Киву Стойка, Эмиль Боднэраш, Леонтин Сэлэжан, Александру Бирлэдяну, Аврам Буначиу, Марин Гастон ўртоқлар;

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, И. И. Кузьмин, И. Г. Кабанов, М. В. Хруничев ўртоқлар;

Чехословакия Коммунистик партиясидан Антонин Новотний, Вильям Широкий, Яромир Доланский, Отакар Шимунек, Богумир Ломский ўртоқлар.

Таклиф этилган қуйидаги вакиллар ҳам Кенгашда қатнашмоқдалар:

Вьетнам Меҳнаткашлар партиясидан Нгуен Зуй Чинь, Нгуен Ван Чан, Данг Вьет Цзау ўртоқлар;

Хитой Коммунистик партиясидан Чэнь Юнь, Ли Фучунь, Е Цзи-чжуан ўртоқлар;

Корея Меҳнат партиясидан Ким Ир, Тен Ир Лен, Ли Ден Ок ўртоқлар;

Мўғулистон Халқ-революцион партиясидан Дашийн Дамба, Лубсанцэрэнгийн Цэнде ўртоқлар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг кенгашини чақириш тўғрисида ахборот

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг ҳукуматлари Варшава шартномаси Сиёсий Маслаҳат Комитетининг кенгашини 1958 йил 24 майда Москва шаҳрида ҳукуматлар бошлиқлари даражасида ташқи ишлар министрлари ва қуролли кучлар министрларининг иштироки билан чақиришга қарор қилдилар.

Бутуниттифоқ петрография кенгаши

Тошкентда иккинчи Бутуниттифоқ петрография кенгаши очилганлиги тўғрисида бундан аввал хабар берилган эди.

Кенгаш қатнашчилари СССР геология ва ерости бойликларини сақлаш министри П. Я. Антроповнинг докладини тингладилар.

Иккинчи ялпи мажлисда бир қанча муҳим докладлар тингланди ва принципиал ўртоқларча танқид вазиятида муҳокама қилинди.

Академик Д. С. Коржинский магматик ва постмагматик процесслар-нинг асосий химик факторлари тўғрисида гапириб берди. Томск давлат университети олимларининг вакили бўлиб кенгашда қатнашаётган СССР Фанлар академияси корреспондент аъзоси Ю. А. Кузнецов тектоник жойланишнинг асосий қонуниятларини анализ қилиб берди, магматик формацияларнинг классификациясига муфассал тўхталиб ўтди. Украина ССР Фанлар академиясининг академиги Н. П. Семененко ўз докладини метаморфик жинсларнинг ва процесслар-нинг генетик классификацияси масалаларига бағишлади.

Геология-минералогия фанлари доктори В. П. Петров магматик ва метаморфик жинсларни ўрганишнинг янги методлари тўғрисида сўзлаб берди. В. П. Петров СССР Фанлар академияси руда конлари геохимияси, минералогияси, петрографияси ва геологияси институтининг вакили сифатида кенгашда қатнашмоқда. Геология-минералогия фанлари доктори В. С. Коптев-Дворников бу илмий муассаса ходимлари катта коллективининг янги тадқиқотлари билан кенгаш қатнашчиларини таништирди. Кенгашда СССР Фанлар академиясининг бошқа илмий муассасаси — геохимия институти вакили, геология-минералогия фанлари доктори Н. И. Харитонов сўзга чиқиб, геология фанига доир баъзи муҳим масалаларни янги тажриба маълумотлари асосида ёритиб берди.

Ялпи мажлисларда ер ости бойликларининг жойланиши характерини ва қонуниятларини ўрганиш соҳасида иттифоқчи республикалар территориясида олиб борилган катта ишларни умумлаштириб берган докладлар зўр қизиқиш билан тингланди. Бу ҳақда Грузия ССР Фанлар академиясининг академиги Г. С. Дзоценидзе, Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академиклари Ш. А. Азизбеков ва М. А. Қашқай, Арманистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. С. Мкртчян доклад қилдилар.

21 майда кенгаш иши тўрт тармоқ секциясида — палеозой магматик комплексларнинг геологияси ва металлогенияси секцияси, мезозой магматик комплексларининг геологияси ва металлогенияси секцияси, ишқорли жинслар, гипербазитлар ва дайкали тузилмалар проблемаси секцияси ҳамда магматик ва метаморфик комплексларнинг геохимияси ва физик-химияси секциясида ўтди.

Секция мажлислари икки кун давом этади. Шундан кейин кенгаш қатнашчилари яна ялпи мажлисга тўпланадилар. Ялпи мажлисда асосан Ўрта Осиёдаги ер ости бойликларини ўрганишга доир докладлар қилинади. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тўртинчи чақириқ Олий Советининг еттинчи сессияси 1958 йил 23 июнда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.
1958 йил 21 май, Тошкент шаҳри.

Учинчи совет Ер сунъий йўлдоши



Юқоридаги суратда учинчи совет Ер сунъий йўлдошининг умумий кўринаши.

Ўнгдаги расм-схемада учинчи совет Ер сунъий йўлдошининг илмий аппаратураси акс эттирилган: 1. Магнитометр, 2. Қуёш корпускуляр нурланишини қайд қилувчи фотокўпайтиргичлар. 3. Қуёш батареялари. 4. Космик нурлардаги фотонларни қайд қилувчи асбоб. 5. Магнитли ва ионлаштирувчи манометрлар. 6. Ион тутқичлар. 7. Электростад флюксметрлар. 8. Масс-спектрометрик трубка, 9. Космик нурлардаги оғир ядроларни қайд қилувчи асбоб. 10. Дастлабки космик нурланиш интенсивлигини ўлчовчи асбоб. 11. Микрометеорларни қайд қилувчи датчиклар.

Илмий аппаратуранинг электрон блоклари, радиоўлчагич системалари, программ-вақт қурилма ва электр қувватининг электрохимик манбалари йўлдош корпуси ичига жойлашган.



Украина қанд саноати ходимларининг кенгаши

КИЕВ, 21 май. (ТАСС). Қанд саноати ходимларининг республика кенгаши бугун ўз ишини тамомлади. Кенгашда ўтган йилнинг якунлари ва 1958 йилдаги вазифалар тўғрисида Украина ССР Госплани қанд саноати бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Л. И. Рожинский доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиқувчилар саноат ва қурилишни бошқаришнинг қайта қурилганлиги, қишлоқ хўжалигининг янада юксалтирилганлиги қанд ишлаб чиқаришни янада анча кўпайтириш учун зарур шароит вужудга келтирди, деб таъкидладилар. Ўтган йил республикада лавлаги тайёрлаш плани 108 процент бажарилди. Саноат ходимлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини амалга ошира бориб, қанд ишлаб чиқариш планини муваффақият билан бажардилар.

Украинада янги корхоналар қурилмоқда ва мавжуд корхоналар реконструкция қилинмоқда. Кейнинги беш йил мобайнида шу мақсад учун 1.853 миллион сўм маблағ сарфланди, 9 та қанд заводи ишга туширилди, бу заводлар суткасига 113 минг центнер лавлагини қайта ишлайди. Корхоналарда қувватларни ошириш, янги техникани жорий қилиш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш соҳасида катта ишлар қилинмоқда.

Сўзга чиққанлар корхоналарни янги ишлаб чиқариш мавсумига тайёрлаш масалаларига кўп эътибор бердилар. Янги ҳосилдан бўлган лавлаги 162 заводда қайта ишланади. Бу йилги мавсумда янги заводлар — Черновици областида Кельменци заводи, Тернополь областида Хоростков заводи ва Волинь областида Гнидав заводи ишга тушади.

Кенгаш қатнашчилари 1958 йилги планни муддатидан илгари бажариш учун мусобақага чақирган РСФСР қанд саноати ходимларининг чақириғини яқдиллик билан қабул қилдилар.

Кенгаш ишида Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Д. С. Коротченко, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. Т. Кальченко, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ўртоқ Н. М. Гуреев, Украина КП Марказий Комитетининг секретари О. И. Ивашченко, СССР Госплани раисининг ўринбосари, СССР министри В. П. Зотов қатнашдилар.

Ҳар қути қурт уруғидан 70 килограмм пилла

Қорасув. Жданов номли колхоз аъзолари ўтган йили районда биринчи бўлиб давлат пилла тайёрлаш планини муваффақиятли бажарган эдилар. Колхоз аъзолари бу йил ҳам пиллачилик соҳасида янги ютуқларни қўлга киритиш, илғорликни қўлдан бермаслик учун курашаётирлар.

Бу ерда 58 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан камида 60-65 килограммдан оқ пилла ҳосили топшириш мажбурияти олинган эди. Бу соҳада дастлабки натижалар қўлга киритилди. Колхозда ҳозирга қадар давлатга 800 килограммга яқин пилла топширилди. Кекса тажрибали пиллачилардан Турдинисо хола Ҳайдаровнинг эришаётган ютуқлари ҳаммани қувонтиради. Турдинисо хола ҳозиргача ҳар қути қурт уруғидан 70 килограмм пилла олди. Хола яна камида 10 килограмм пилла олиш учун ҳаракат қилаётир. Ёш пиллачи Ўртоқ Исоқова ҳам яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Колхоз аъзолари давлатга 2800 килограмм пилла етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини тўла бажариш учун курашмоқдалар.

Райондаги «Коминтерн» колхозида ҳам баҳорги пилла қурти боқиш намунали уюштирилди. Колхознинг моҳир пиллачилари Р. Ҳўжаева, М. Ғуломова, С. Усмонова сингари ўртоқлар ҳозирга қадар ҳар қути қурт уруғидан 40-45 килограммдан пилла топширдилар. Улар давлатга пилла топширишни қизғин давом эттирмоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

Ҳурмат тахтаси

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **ҳурмат тахтасига** ёзиладилар.

Оққўрғон районидаги **Будённий номли колхоз** (раиси **З. Шодибеков,** партия ташкилотининг секретари **А. Махтабоев,** комсомол ташкилотининг секретари **Т. Турғунов** Ўртоқлар).

Мирзачўл районидаги **Сталин номли колхоз** (раиси **Р. Муҳамедов,** партия ташкилотининг секретари **Х. Султонов,** комсомол ташкилотининг секретари **М. Сафаров** Ўртоқлар).

Бекобод районидаги **«Большевик» колхози** (раиси **Ф. Норқулов,** партия ташкилотининг секретари **Р. Олломуродов,** комсомол ташкилотининг секретари **Х. Қўшимов** Ўртоқлар).

Мирзачўл районидаги **«Коммуна» колхози** (колхоз раиси **У. Содиқов,** партия ташкилотининг секретари **Т. Азизов,** комсомол ташкилотининг секретари **Болтабоев** Ўртоқлар).

Мирзачўл районидаги **Фрунзе номли колхоз** (раиси **Н. Абдуллаев,** партия ташкилотининг секретари **Х. Султонов,** комсомол ташкилотининг секретари **К. Халилов** Ўртоқлар).

Қуйи Чирчиқ районидаги **Сталин номли колхоз** (раиси **Пак Сен, Бок,** партия ташкилотининг секретари **Қ. Қўшоев,** комсомол ташкилотининг секретари **А. Мавлонов** Ўртоқлар).

Пилла тайёрлашда масъулиятли давр

Шу кунларда областимизда баҳорги пилла қуртини боқиш тугалланаётир, шу билан бирга давлатга пилла топшириш қизғин давом эттирилмоқда. Илғор колхоз ва совхозлар бу йил қурт боқишни намунали ўтказиб, уларни қисқа муддатда тўйдирдилар ва барвақт пилла ўрашига эришдилар. Оққўрғон районидаги Будённий номли, Мирзачўл районидаги Сталин номли, Бекобод районидаги «Большевик» колхозларининг аъзолари давлатга пилла топшириш планини ошириб бажарганликлари тўғрисида биринчилар қаторида рапорт бердилар.

Оҳангарон, Гулистон, Оржоникидзе, Тошкент, Янгийўл ва бошқа бир қанча районларда ҳам пилла топшириш қунсайин қизғин тус олаётир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги пайтда, яъни қуртлар сўнгги ёшда боқилаётганда уларнинг кечакундуз тўйдириб боқилишига, тезроқ пилла ўраши учун ҳамма вақт хабардор бўлиб турилишига эришиш керак. Шунга қарамай айрим районларда қуртни сўнгги кунларда тўйдириб боқиш соҳасида қатор камчиликларга йўл қўйилаётир. Пискент, Октябрь, Қуйи Чирчиқ, Чиноз районларидаги колхоз ҳамда совхозларда қурт боқишга масъулиятсизлик билан қаралмоқда. Қуртлар катта ёшга кириб қолганлиги учун илгариги сўкчаклар торлик қилиб, улар яхши ривожланолмаётир. Бунинг устига қуртларга белгиланган миқдорда барг берилмай, ҳатто уларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, ипакчилик идораларининг ходимлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қуртларни сўнгги кунларда — улар дастага кираётган ҳозирги пайтда нормал тўйишига эришиш учун барча зарур тадбирларни кўришлари, битта ҳам қуртнинг нобуд бўлишига, ёки ёмон боқилганлиги туфайли сифатсиз пилла ўрашига йўл қўймаслик учун курашишлари керак.

Пилланинг сифатли ўралишида дасталарнинг яхши бўлиши катта роль ўйнайди. Айрим колхоз ва совхозларда бунга эътибор қилинмаётир. Бу хўжаликларда дасталар кўпинча ҳархил дарахтларнинг шохларидан ва ташландиқ хашаклардан тайёрланмоқда. Шуни унутмаслик керакки, агар даста яхши бўлмаса пилланинг 30 процентга яқини бракка чиқиши мумкин. Шунинг учун қуртлар ҳали катта даҳага барг еяётганлаёқ даста тайёрлашга киришиш ва уларни шу соҳада кўп йил ишлаган кишилар томонидан бойланишига, вақтида қуритилишига эришиш зарур. Қуртларни дастага мажбуран киритмай, то улар ростмана тўйгунча боқиш талаб қилинади. Дастани сўкчак устига пала-партиш ташламасдан бир чеккадан, тартибли суръатда қўйиб чиқиш пилланинг сифатли бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Пилла теришни ташкилий равишда ўтказиш — ҳосилнинг нобуд бўлмаслигида катта аҳамиятга эга. Бугун терилган пилла ўша куннинг ўзилаёқ давлат тайёрлов пунктларига етказилиши лозим.

Пилла тайёрлашда илғорлардан намуна олиб ишлайлик. Бу йил областимизда баҳорги пилладан давлатга 900 тонна ҳосил топшириш тўғрисидаги социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашайлик!

В. ФАДЕЕВА,
область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг инструктори.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Оққўрғон райкоми пахтачиликка юзаки раҳбарлик қилмоқда

Оққўрғон райони областимизнинг йирик пахтакор районларидан бири. Район колхозлари ва «Оққўрғон» совхозида бу йил 16777 гектар майдонга чигит экиш асосан муваффақиятли ўтказилди. Колхозларнинг кўпчилик бригадаларида ва «Оққўрғон» совхозининг бир қатор бўлимларида чигит бир текис ундириб олинди. Илғор бригада ва бўлимларда чигитни ундириб олиш билангина қаноатланиб қолинмай, ғўза парвариши дарҳол бошлаб юборилди, бутун куч ва имкониятлар экинга биринчи цикл ишлов бериш тезроқ тамомлаш учун курашга сафарбар этилди.

«Оққўрғон» совхозининг коммунист ўртоқ Отажон Хўжаев бошлиқ 7-бўлимида 500 гектар майдонлари ғўзага биринчи цикл ишлов бериш тўла тугалланди. Ҳозир бир йўла озиқлантириб культивация қилинган ғўзалар суғорилаётир. Шунингдек «Ленинобод» колхозининг айрим бригадалари ҳам ғўзага биринчи цикл ишлов беришни асосан тамомладилар.

Лекин кўпчилик колхозларда, «Оққўрғон» совхозининг айрим бўлимларида ғўза парвариши ҳамон қониқарсиз олиб борилмоқда.

Барча майдонлардаги ғўзага биринчи цикл ишлов беришни тамомлаш юзасидан область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан белгиланган муддат аллақачон ўтиб кетди. Шунга қарамай ҳанузгача район колхозларида ва «Оққўрғон» совхозида ғўзани яганалаш ҳамда озиқлантириш ўёқда турсин, ҳатто культивация қилиш ҳам тамомлангани йўқ.

Район партия комитетининг секретарлари Усмонов, Яригин, Умаров ўртоқлар колхозларда ва совхозда бўлиб, у ердаги ишнинг ҳақиқий аҳволи билан яқиндан танишиш, ғўза парваришини тўғри ташкил этишда уларнинг раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда шу йўл билан ғўза парваришидаги сусткашликка барҳам бериш ўрнига, кўпроқ мажлисбозлик билан овора бўлмоқдалар.

Бу ерда ҳеч қандай фойда бермайдиган мажлисбозлик жуда авжига чиққан, мажлисбозлик колхоз ва совхоз раҳбарларингинагина эмас, ҳатто район партия комитети бюро аъзоларининг ҳам меъдасига теккани ҳақида ҳаҳли эътирозлар эшитиш мумкин. Бейнги кунларда ғўза парвариши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш юзасидан райкомда ва район ижроия комитетида кунда ёки кунора мажлис ўтказиладиган бўлиб қолди. 18 майда ўтказилган бюро мажлисида райком бюро аъзоси, 1-МТС партия бюросининг секретари ўртоқ Бердиевнинг колхоз раисларига қарата «райкомда кунда, кунора бюро бўлаётир, бу сизнинг ҳам, бизнинг ҳам жонимизга тегди» деб, рўй-рост айтганлиги ҳам бечиз эмас.

Шуниси ажабланарлики, район партия комитетида олдин ишнинг аҳволини чуқур ўрганиш, сўнг эса уни райком бюро мажлисида атрофлича муҳокама қилиш, конкрет тадбирлар белгилаш ҳамда унинг бажарилишини таъминлашга одат қилинмаган. Бунинг ўрнига бугун бюро мажлисида ғўзани озиқлантириш ҳақидаги масала муҳокама қилинса, эртасига колхозчиларни ғўза парваришига тўла жалб этиш ҳақидаги масалани муҳокама қилиш билан чегараланилади. Ҳар сафар қарор қабул қилинади. Лекин бу қарорлар қоғозда қолаберади, белгиланган тадбирларни амалга ошириш колхоз ва МТС раҳбарларидан талаб қилинмайди.

18 май куни ўтказилган бюро мажлисида ғўзани озиқлантириш юзасидан Ворошилов номли колхоз раиси Отабоев, Жданов номли колхоз раиси Эгамбердиев, МТС директорлари Рогачев ва Погорелов ўртоқлар ҳисоб бердилар. Шу куни Ворошилов номли колхозда 13 СУЗдан 3 таси, Жданов номли колхозда 10 СУЗдан 4 таси, район бўйича эса 227 СУЗдан 93 таси ишлаган. Бюрода мавжуд СУЗларни ишга туширмаётгани учун колхоз ва МТС раҳбарлари огоҳлантирилди. Лекин шундан кейин ҳам жиддий ўзгариш юз бермади. 20 май куни районда ҳаммаси бўлиб 180 СУЗ ишлади. Шу чоққача совхоз ва колхозларда фақат 34,1 процент майдондаги ғўза озиқлантирилганининг сабаби ҳам ана шунда.

Ленин номли, «Октябрь 40 йиллиги», Буденний номли колхозлар ғўза парвариши соҳасида районда энг орқада қолмоқдалар. Район партия комитети бюросининг қарорига мувофиқ райком секретари ўртоқ Яригин Ленин номли колхозга, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Иброҳимов «Октябрь 40 йиллиги» колхозига, райком секретари ўртоқ Умаров Буденний номли колхозга доимий вакил қилиб биркитиб қўйилган. Бундан ана шу колхозлардаги барча куч ва имкониятлардан фойдаланиб, ишга жиддий ўзгариш ясаш кутилган эди. Улар колхозларга бораганларига анча кун бўлди. Аммо ғўза парвариши соҳасидаги қолоқликка барҳам беришда колхоз правлениелари ва партия ташкилотларига бирон тузук ёрдам кўрсатганликлари сезилмади. Бу колхозлар ғўзани культивация қилишда ҳам, яганалаш ва озиқлантиришда ҳам ҳамон бошқа колхозлардан орқада қолиб келаётганликлари бунинг далилидир.

Район партия комитети, совхоз ва колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари коммунистлар бошлиқ бўлган бўлим ҳамда бригадаларнинг ғўза парваришида бошқаларга намуна кўрсатишини таъминлаш, колхозчилар ва совхоз ишчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақида етарли гамхўрлик қилмаётирлар.

Тельман номли колхоздаги 13 бригададан 4 тасига коммунистлар бошчилик қилади. Ўртоқ Ҳамдамов бошлиқ бригадада 73 гектар ғўзанинг ҳали 43 гектари яганга қилинмагани йўқ. Ўртоқ Қаршибоев бошлиқ бригадада 67 гектар ғўзанинг энди 10 гектари озиқлантирилган. Бу бригадаларда ғўзани культивация қилиш ҳам талабга жавоб бермайди. Шунингдек Мавлонов, Аширматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

«Оққўрғон» совхозининг коммунист ўртоқ Бобохўжаев бошлиқ 8-бўлимида ғўза парваришининг борыши талабга етарли жавоб бермайди. Бўлим ишчилари 510 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 27 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганлар. Бу миқдордаги ҳосил ўз-ўзидан етишмайди. Уни пахта далаларида чинакамига тер тўкиб меҳнат қилиш, ҳар бир туп ғўзани соғлом ўстириш, ўз вақтида парвариш қилиш йўли билан олиш мумкин. Аммо ўртоқ Бобохўжаев ишни ана шундай ташкил қилмаган.

У биринчи культивацияни тамомладик деб мақтанадию, ғўзани яганалаш ҳамда озиқлантириш кечикаётгани, бу эса экиннинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилаётганини тан олгиси келмайди. Бўлимда ҳали 150 гектардан ортиқ ердаги ғўза яганга қилингани йўқ. Энди 150 гектарга яқин ердаги ғўза озиқлантирилган, холос.

Бўлимнинг коммунист ўртоқ Запорожец бошлиқ бригадасида ғўзани ёппасига шира босган. Шунга қарамай, ҳаво исиб кетса шира кўтарилади, деб унга қарши курашилмаётир.

Совхознинг айрим бўлимларидагина дала шийпонлари ремонт қилиниб, жиҳозланган. Бир қатор бўлимларда умуман дала шийпони йўқ. Ишчилар тушки дам олиш пайтида қаерда овқатланиш, газета, журналларни ўқиб ва радио эшитиб маданий хордиқ чиқаришни билмайдилар.

«Октябрь 40 йиллиги» колхози райондаги энг йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Бу ерда 15 бригада бор. Лекин фақат 4 бригада ўз дала шийпонига эга. Уларда 2-3 та плакат ва шиордан бошқа ҳеч нарсани учратмайсиз. Колхознинг кўпчилик бригадалари марказий боғча ва яслидан жуда узоқда жойлашган. Бригадаларда кўчма ясли ташкил қилинмаган. Бу, ёш болали аёлларнинг унумли меҳнат қилишига халақит бермоқда.

Бошқа колхозлардаги каби бу колхозда ҳам агитколлектив номигагина бор. Агитаторлар бригадаларда аҳёнаҳёнда бўладилар, колхозчиларга онда-сонда газета хабарларинигина ўқиб берадилар.

Оққўрғон район партия комитети пахтачиликка бу тариқа юзаки раҳбарлик қилиш услубидан мутлақо воз кечиб, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг куч-ғайратини ғўза парваришини кучайтириш ҳамда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга тўла сафарбар этиши керак.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Тошкент подшипник заводи реставрация цехининг токари ўртоқ Т. Рустамов Николай Мамай методи асосида ишлаб меҳнатда ажойиб ютуқларга эришди. У смена нормасини системали равишда икки ҳисса қилиб бажармоқда. **Суратда: Т. Рустамов** иш устида.

М. Турсунхўжаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Янги китоблар

Узбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

Алишер НАВОИЙ. — «Лайли ва Мажнун». 462 бет, тиражи 50.000, баҳоси 8 сўм 30 тийин.

Ҳамид ОЛИМЖОН. — «Балладалар, поэмалар, пьесалар». (Уч томликнинг иккинчи томи), 387 бет, тиражи 25.000, баҳоси 11 сўм 30 тийин.

Абулқосим ЛОҲУТИЙ.—«Девон». 190 бет, тиражи 10.000, баҳоси 5 сўм 40 тийин.

Мамарасул БОБОЕВ. — «Танланган асарлар». Бир томлик, шеърлар. 414 бет, тиражи 10.000, баҳоси 11 сўм 5 тийин.

ШУКРУЛЛО. — «Россия» (Поэма). Ўзбек тилида. 55 бет, тиражи 10.000, баҳоси 75 тийин.

Сергей СМИРНОВ.—«Брест қалъаси қаҳрамонларини излаб». 100 бет, тиражи 15.000, баҳоси 2 сўм 15 тийин.

Сотим УЛУҒЗОДА.—«Ёшлигимиз тонги» (қисса, ўрта ёшдаги болалар учун) 377 бет, тиражи 30.000, баҳоси 7 сўм 10 тийин.

Одил ЁҚУБОВ. — «Пьесалар» («Чин муҳаббат», «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим»). 149 бет, тиражи 10.000, баҳоси 4 сўм 80 тийин.

Назир САФАРОВ. — «Земляки», (Очерклар, рус тилида), 131 бет, тиражи 15.000, баҳоси 4 сўм 15 тийин.

Ёш шоирларнинг ижодий кечаси

Яқинда Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг Ҳ. Олимжон номли Адабиётчилар уйида ёш шоирларнинг ижодий кечаси ўтказилди.

Ижодий кечада ёш шоирлардан В. Кочанов, А. Абдураззоқ, Н. Татарина, Ҳ. Салоҳ ва бошқалар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Кечада болалар шоири Қуддус Муҳаммадий ва Борис Пармузинлар ҳам кеча қатнашчиларини ўзларининг янги шеърлари билан таништирдилар.

Шоирларнинг чиқишидан кейин бадиий ҳаваскорлар ижросида концерт қўйиб берилди. Ёш шоирлар ва ижрочилар кечаси қизиқарли ўтди.

А. АБДУСАМАТОВ.

ГАЗЕТХОНЛАР ГАЗЕТА ҲАҚИДА

Деворий газеталарга аҳамият берилсин

Бизнинг Сирдарё районининг колхоз ва совхозларида, МТС ва саноат корхоналарида жуда кўп деворий газета, «Жанговар варақа»лар чиқариб турилади. Бошланғич партия ташкилотлари яқиндан раҳбарлик қилаётган жойларда деворий газеталарнинг мазмуни анча яхши. Улар илғорларнинг ютуқларини кенг пропаганда қилиб, ишлаб чиқаришдаги камчиликларни очиб ташламоқдалар ва бу камчиликларни тузатишда маҳаллий партия, хўжалик ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Шу билан бирга бизда шундай газеталар ҳам борки, улар бир неча ойлаб чиқмайди. Баъзилари эса байрам кунларидагина чиқарилади, холос. Расмлар билан безатилмайди, хабарлар юзаки ёзилади.

Афсуски, район «Қизил юлдуз» газетасида яхши деворий газеталарнинг ютуқлари қўллаб-қувватланиб, редколлегияларнинг ишидаги камчиликлар танқид остига олинмайди. Район газетаси деворий газеталар иши билан чуқур шуғулланмаётир. Мана, «Қизил юлдуз»нинг сонларини варақлаймиз. Унда район экономикасига даҳли бўлмаган каттакатта мақолалар тўлиб ётибди. Колхоз, бригадаларнинг ҳаётидан олинган ёзилган хабарлар аҳён-аҳёнда кўзга ташланади. Деворий газета ва «Жанговар варақа»ларнинг ишига баришланган материаллар кўринмайди. Яхшилар мақталмайди. Газетага раҳбарлик қилмаётган, редколлегия аъзоларига талабчанликни бўшаштириб юборган бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари танқид қилинмайди. Тўғрироғи, бунга газета редактори ўртоқ Б. Яхёев нима сабабландир журъат қилмаяпти.

1957 йили «Қизил юлдуз» газетаси редакциясида деворий газета редакторларининг ва редколлегия аъзоларининг бир марта ҳам йиғилиши ўтказилмади. Газеталарнинг кўригини ташкил қилиш ҳеч кимнинг эсига келмайди.

Қисқаси, редакциядаги ўртоқлар деворий газеталар ишига панжа орасидан қараб келмоқдалар.

Деворий газетанинг ҳар бир сонини қизиқарли ва мазмунли қилиб чиқаришга редколлегия аъзоларининг эътиборини тортиш зарур. Бу вазифани муваффақиятли бажаришда район газетаси муносиб ҳисса қўшиши керак.

А. МАМАТҚУЛОВ.

Сирдарё район партия комитетининг ходими.

Аъло баҳолар учун

Яна бир неча кунлардан кейин ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактабларда бир йиллик ўқитилган таълимни якунлаш имтиҳонлари бошланади.

Ўқувчилар ана шу синовга зўр тайёргарлик кўраётирлар.

Ҳозис районидаги 106-ўрта мактабнинг айниқса 10-синф ўқувчилари дарсларни коллектив бўлиб тайёрламоқдалар. Уларга консультант ўқитувчилар катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Навбатдаги дарс тайёрлашдан сўнг консультант ўқитувчилар билан савол-жавоблар ўтказилмоқда.

И. Сувонқулов.

* * *

Калинин районидаги 26-мактаб дирекцияси ўқувчиларнинг дарс тайёрлашлари учун қулай шароит яратиб берди. Ўқитувчиларнинг консультациялари кўпайтирилди. Мактаб комсомол ташкилоти қайта бир синфда имтиҳонларга тайёргарлиги уюшқоқлик билан олиб бориш мақсадида алоҳида мажлислар ўтказди.

10-синф ўқувчилари физика фанидан бўладиган имтиҳонга айниқса пухта тайёрланмоқдалар. Мактабнинг физика лабораторияси доимо ўқувчилар билан гавжум бўлади. Бу ерда ўнинчи синф ўқувчилари ўқитувчи Ҳабибулла Абдуллаев раҳбарлигида 8, 9-синфларда ўтилган темалар юзасидан амалий машғулотлар олиб бораётирлар.

Мактабнинг 7-синф ўқувчилари ҳам бўлажак имтиҳонларга қунт билан тайёрланмоқдалар. Алгебрадан колхоз даласида ўтказилаётган амалий машғулотлар ўтилган темаларни чуқур тушуниб олишга катта ёрдам бермоқда.

С. Мусаев,
Э. Азимов.

* * *

Верхне-волинск районидаги 6-ўрта мактабнинг ўқувчилари ёзги имтиҳонларни пухта якунлашлари учун қулай имкониятлар яратилди. Мактабнинг ҳар бир ўқитувчиси ўтилган программа асосида ўқувчилар билан консультация ва қўшимча дарс ўтказмоқдалар.

Х. Файзиев.

Қишлоқ хўжалиги экономикасини янада юксалтиришга бағишланган назарий конференция

Молия-иқтисод институтида КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарори ва СССР Олий Совети I сессиясининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш» ҳақидаги Қонунини бажариш масалаларига бағишланган илмий назарий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда колхоз ва совхозлар экономикасини янада кўтариш масалаларига доир бир қатор илмий докладлар тингланди. Доцентлардан Д. Д. Эрлих «Пахтачиликни комплекс механизациялаш базасида колхозлар экономикасидаги сифат ўзгаришлар», Ю. Е. Шенгер «Янги ишлаб чиқариш техника хизмати формалари жорий қилинган колхозларда молия хўжалиги масалалари» ва М. Қориев «Ишлаб чиқариш техника хизматининг янги формалари жорий қилинган колхозларда пахта хомашёси контрактацияси масалалари» деган темаларда ҳамда ўқитувчи А. Ф. Красников «Ўзбекистон колхозларида капитал жамғарма» деган темада доклад қилдилар.

Конференцияда қишлоқ хўжалиги ходимлари, молия-иқтисод мутахассислари, давлат ва қишлоқ хўжалик банклари хизматчилари иштирок этдилар. Улар докладларда янги ишлаб чиқариш техника формалари қўлланилиши натижасида колхозлар экономикасининг янада мустаҳкамланиши, кўтарилиши учун катта имкониятлар яратилганлиги тўғри ва мукаммал анализ қилинганлигини таъкидладилар.

Ф. УСМОНОВА.

Тошкентдаги кровать фабрикасининг коллективи йиллик давлат планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани тобора қизитиб ишламоқда. Ўзаро мусобақага қўшилиб ишлаётган фабриканинг никелловчиси ўртоқ Т. Ҳасанов смена нормасини ҳар доим ошириб адо этмоқда. **Суратда: Т. Ҳасанов** иш устида.

Б. Алиев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа сатрларда

◆ **Урта Чирчиқ.** Крупская номли 3-ўрта мактабда музика тўгараги ташкил қилинди. Мактаб дирекцияси тўгарак учун 5 минг сўмлик чолғу асбоблари сотиб олди. Тўгарак машғулотларига 30 ўқувчи актив қатнашмоқда.

Н. Баракаев,
У. Ҳасанов.

◆ **Мирзачўл.** Райондаги 30-автобаза ҳузурида шоферлар тайёрлаш курси очилди. Ҳозир курснинг 30 ўқувчиси бор. Улар қисқа муддат ичида шофер бўлиб етишадилар.

Т. Қозоқбоев.

◆ **Оржоникидзе.** Район марказидаги паркда Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбобларидан бири Серго Оржоникидзега ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкал атрофида чиройли гулзор ҳам барпо этилди.

Н. Қаюмов.

◆ **Оҳангарон.** Шаҳардаги кўпгина мактабларнинг ўқувчилари темир-терсак йиғишда актив иштирок этаётирлар. 1-ўрта мактаб ўқувчилари қисқа вақт ичида 30 тонна темир-терсак тўпладилар. Шунингдек, 3 ва 11-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам тўплов пунктига 25 тоннага яқин темир-терсак топширдилар.

А. Кўкиев.

◆ **Гулистон.** Район марказида китоб магазини биноси ва тўрт юз ўринли клуб қурилиб ишга туширилди. Ҳозир янги клубда кинофильмлар кўрсатилаётир. Китоб магазинида эса турли янги адабиётлар сотилмоқда.

Н. Шакаров.

◆ **Тошкент.** Яқинда шаҳардаги Комсомол майдони билан чинни заводи ўртасида пассажир автобуси қатнай бошлади. Натижада заводга узоқдан қатнаб ишловчилар учун катта қулайлик туғилди.

Х. Убайдуллаев.

◆ **Янгийўл.** Райондаги бир қатор колхозларда медицина темаларида лекциялар ўтказилмоқда. Врачлардан Э. Юсупов, К. Вареник районнинг Свердлов номли, Сталин номли, «Коммунизм» колхозларида турли касалликларнинг олдини олиш ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказдилар.

И. Солиев.

Бошланғич партия ташкилоти секретарларининг семинари

Яқинда Ленин район партия комитети соғлиқни сақлаш муассасалари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказди. Семинар иши 3-касалхона бошланғич партия ташкилотининг иш тажрибаси билан танишишдан бошланди. Унинг секретари ўртоқ Столяренко партия ташкилоти ўз ишини қандай ташкил қилганлиги, беморларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида батафсил гапириб берди. Партия ташкилоти ҳисобидаги барча коммунистлар оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишда актив иштирок этадилар. Уларнинг ҳар бирига алоҳида партия топшириғи берилган ва коммунистлар уни талаб этилган даражада адо этадилар.

Семинар қатнашчилари барча соғлиқни сақлаш муассасаларининг партия ташкилотлари фаолиятини ана шундай яхши йўлга қўйиш юзасидан кенг фикр алмашдилар.

Д. КОЗЛОВ.

Областимиз қишлоқ хўжалигини ёппасига электрлаштирайлик

Партия ва ҳукуматимизнинг катта ғамхўрликлари натижасида мамлакатимиздаги барча қишлоқ хўжалик районлари сингари Тошкент областида ҳам колхоз, совхоз ва МТСларни электрлаштириш соҳасида анча ишлар қилинди. Қишлоқлар Ильич нурларидан чароғон бўлди, қўл кучи билан бажариладиган кўпгина қишлоқ хўжалик ишлари электр қуввати ёрдамида бажариладиган бўлди.

Оржоникидзе, Калинин, Янгийўл, Қорасув районлари деярлик тўла электрлаштирилди. Шу кунгача умуман область бўйича мавжуд колхозларнинг ярмидан кўпи электр қувватидан фойдаланаётир. Колхоз, совхоз ва МТСлар электростанциялари ва подстанцияларининг қуввати бир неча минг киловаттни ташкил этади. Кўпгина колхозлар давлат энерго системаси ва саноат электростанцияларидан қувват олмоқдалар. Бир қанча колхоз, совхоз ва МТСлар эса ўз кучлари билан ёқилғи ёки гидроэлектростанциялар қуриб олганлар. Бу станциялар уларнинг хўжалик ва коммунал-маиший эҳтиёжларини тўла қондираётир.

Янгийўл районидаги Сталин номли, Қорасув районидаги Ленин номли, Куйи Чирчиқ районидаги Дмитров номли ва бошқа шу сингари бир қанча илғор колхозларда ҳатто чорвачиликдаги кўпгина оғир иш процесслари ҳам электрлаштирилган. Пахта далаларини электр қуввати ёрдамида махсус насослар воситаси билан суғораётган колхозлар сафи ҳам кенгаймоқда.

Умуман областимиз колхоз ва совхозларида ҳозирги пайтда умумий қуввати 20 минг киловаттдан ортиқ электр қуввати ҳосил қилдиган 3 мингта электромотор ишлаб турибди. Шу колхозларда 26 минг киловаттдан кўп электр қуввати ишлатадиган техника мавжудир. Ўрта ҳисобда электрлаштирилган ҳар бир колхозга 2-3 тадан электромотор тўғри келади.

Қишлоқларни электрлаштириш суръати тобора ортиб бормоқда. Ихтисослаштирилган ташкилотлар, колхозларнинг ўзлари борган сари кўпроқ электр қуввати узатиш линиялари қурмоқдалар. Бу ишда колхозларга йирик корхона ва муассасалар яқиндан оталик ёрдами кўрсатмоқдалар.

Бироқ қишлоқ хўжалик артелларида ва қишлоқлаги бошқа хўжаликларни электрлаштириш даражаси ва суръати ҳозирги юксак талабларга жавоб беарли эмас. қишлоқларни электрлаштириш колхоз ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатидан анча орқада қолаётир.

Областдаги колхозларнинг 50 процентдан кўпи электрлаштирилган деб ҳисобланса ҳам, худди шу колхозларнинг ўзида хонадонларнинг ярмидан кўпи ундан баҳраманд эмас, оғир ва қўл кучи билан бажариладиган кўпгина қишлоқ хўжалик ишлари электрлаштирилган эмас. Масалан, Ўртасарой райони электрлаштирилган районлардан ҳисобланади, лекин бу ердаги айрим колхозларда 25-40 процент ҳонадон, умуман район бўйича эса 59 процент хонадон электрлаштирилмаган. Шу райондаги Свердлов номли колхознинг 823 хонадонидан фақат 240 таси, Карл Маркс номли колхознинг 274 хонадонидан атиги 80 таси электр қувватидан фойдаланади.

Ёки Оржоникидзе районини олайлик. Бу район ёппасига электрлаштирилган ҳисобланади. Аммо район территориясидаги хонадонларнинг 18 процентига электр тармоқлари ўтказилган эмас. Республикадаги энг йирик колхозлардан бири бўлган «Қизил Ўзбекистон» колхозида 1165 хонадондан 211 тасида, «Ленинград» колхозида 205 хонадонда электр чироқлари йўқ. Бошқа районларда эса аҳвол бундан ёмон.

Областдаги электрлаштирилган колхозларнинг ҳар бирига ўрта ҳисобда 25 киловаттдан электр қуввати тўғри келаётган ҳозирги пайтда қишлоқларни ёппасита электрлаштириш тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқчадир. Лойиҳалаш ташкилотларининг маълумотига кўра, чорвачилик ва далачиликда асосий ишларни ҳамда аҳоли уйларини, маданий-маиший муассасаларни электрлаштириш учун ўртача колхозга 100-150 киловаттдан электр қуввати зарур (ремонт-механика устахоналари учун зарур бўладиган қувват бу ҳисобга кирмайди). Бунга эришиш учун колхозларни давлат энерго системаси ва саноат электростанцияларидан фойдаланадиган қилиш ё бўлмаса колхознинг ўзида эҳтиёжни қондира оладиган электростанция ёки Сергелидаги сингари қудратли электроподстанция қуриш талаб қилинади. Тажриба шуни кўрсатдики, колхозларда кам қувватли электродвижоклардан ёки кичик-кичик станциялардан фойдаланишга қараганда йирик станция қуриш ёхуд давлат энергетика базасидан фойдаланиш қишлоқ хўжалик артели учун қулай ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Шу нарса кишини ачинтирадики, областимизда турли вақтларда қурилган 10 дан ортиқ гидроэлектростанциядан колхозлар фойдаланмаётирлар. 1956 йилда қишлоқлардаги 78 станциядан 33 таси бекор турди, уларнинг 15 тасидан эса мутлақо фойдаланилмайдиган бўлди. Шоликорлик станцияси ва бошқа бир неча хўжаликлардаги электростанциялар эса қуришга қурилди-ю, лекин бир кун ҳам фойдаланилмай, бинолари бузилиб, ускуналари йўқолиб кетди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, колхозларни давлат энерго хўжалиги орқали электрлаштириш энг мақул йўлдир. Бироқ давлат энерго системаси орқали колхозларни ёппасита тўла электрлаштириш учун бир-икки эмас, балки бир неча йиллар талаб қилинади. Чунки колхозларда трансформатор подстанциялари ва бошқа электрлаштириш воситалари қуриш учун жуда кўп капитал маблағ ҳамда кўп миқдорда материал ва ишчи кучлари зарурдир. Ўз-ўзидан маълумки, узоққа чўзиладиган бу йўл мақсадга мувофиқ эмас, бунинг устига юқори вольтли давлат электр линияларни ўтган жойдан узоқда жойлашган колхоз ва совхозлар ҳам кўп.

Ҳозирги пайтда, колхозлар МТСлардан ва давлатдан кўплаб техника сотиб олаётган бир шароитда колхоз, совхозларни электр қуввати билан етарли миқдорда таъминлаш вазифасини тез вақтда ҳал этиш масаласи энг асосий проблемалардан бири бўлиб қолди. Тракторларни, комбайнларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш учун колхозлар қудратли ремонт-механика мастерскойлари қурмоқдалар. Бу мастерскойларда электр қуввати билан ишлайдиган металл қирқиш станоклари, пайвандлаш агрегатлари ва бошқа шу сингари ремонт ишларини бажариш ҳамда колхоз ички эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўладиган ускуналар ўрнатилаётир. Колхоз мастерскойларининг қуввати йилдан-йилга ошаборади.

Мана шунинг учун то давлат электролинияси туташтирилгунча колхозларда 50-60 киловатт қувватли дизель-электростанциялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай электростанцияларни ҳар бир колхоз ҳам бемалол олиши ва ўрнатиши мумкин. Айниқса аҳоли яшайдиган бир неча пункт ёки бўлимлари бўлган пахта экувчи колхоз ва совхозлар учун бу жуда қулайдир. Бир ёки иккита бўлим учун битта станция ўрнатилса бўлади.

Дизель электростанцияларнинг қулайлиги яна шундаки, колхозлар ундан фойдаланганда, анча столба ва электр материалларини тежаш имкониятига эга бўладилар. Бир станция ишдан чиқиб қолгудек бўлса, иккинчисидан кўп точкаларда фойдаланиш мумкин. Шу сабабли ҳам лойиҳачилар колхоз, совхозларни электрлаштириш лойиҳасини тузаётганда мана шу дизель-электростанцияларидан фойдаланишни ҳам кўзда тутишлари керак.

Колхоз, совхозлардаги ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг ҳозирги ҳолати ва келажак перспективаси Сельэнерго органлари вазифасини ва уларнинг ишини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда. Сельэнерголар малакали кадрларга эга, махсус передвижка, лаборатория ва мастерскойлар ҳамда керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган. Шунинг учун Сельэнерго органлари ўзларига қарашли электр қуввати ўтказувчи линиялар, подстанцияларни эксплуатация қилиш билан чекланмай, колхоз, совхозлардаги электростанцияларни ва электр ускуналарини ремонт қилиш, уларнинг ишини кузатиб туриш ва мунтазам равишда техника ёрдами ҳамда ўрнатиладиган электр материаллари билан таъминлаш ишлари билан ҳам шуғулланишлари лозим.

Бундан ташқари, областимиз шароитида юқори вольтли линиялар қуришни, трансформаторлар ўрнатишни ва йирик подстанциялар қуриш ишларини кескин равишда кенгайтириш ишлари билан жиддий шуғулланиш зарур. Агар бу соҳадаги иш ҳозирги суръатда давом эттириладиган бўлса, область қишлоқларини ёппасига электрлаштириш учун бир неча ўн йиллар керак бўлади. Бундай катта ва масъулиятли вазифани бажаришни «Главсельэлектро»нинг ўзига топшириб қўйиш натижасида иш мана шундай узоққа чўзилиб кетаётир. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тез ҳал этилиши зарур бўлган бу вазифани яқин йиллар ичида бажариш учун, бизнинг фикримизча, область қишлоқ хўжалигини электрлаштириш иши билан шуғулланадиган махсус трест ташкил этиш керак. Бу трест лойиҳалаш-смета ишларини уйғунлаштириб туриш, колхоз, совхозлардаги электр қуввати ҳосил қилувчи ёки ўтказувчи ускуналарни монтаж қилиш ва қишлоқларни тўла электрлаштириш ишлари билан шуғулланиши лозим.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Главсельэлектро»нинг 5-конторасининг қувватини 7-8 баравар кўпайтириш, уни етарлича техника, ишлаб чиқариш базаси, кадрлар ва зарур материаллар билан таъминлаш керак. Шундай қилинса, колхозлар ўзлари учун жуда қийин бўлган ишдан озод қилинган ва уларнинг деҳқончилик ишлари билан янада самаралироқ шуғулланишларига катта қулайлик туғдирилган бўлади.

Бизнингча, колхозларни электростанциялар ва комплектлаш ускуналари билан таъминлаш ишини дастлабки пайтда «Сельхозснаб»лар бажариши, кейинчалик эса аста-секин бу функция ремонт-техника станцияларига юклатилиши керак. Қишлоқ электростанцияларига керакли запас қисмлар етказиб бериш қудратли станок ва ускуналар билан қуролланган Совнархозларнинг корхоналари зиммасига юклатилса, яхши бўлади.

Ҳозирги пайтда электроматериаллар билан, айниқса столбаб ёғочлар билан қишлоқлар мутлақо қониқарсиз таъминланаётир. Келтирилаётган материаллар лоақал минимал эҳтиёжни ҳам қондирмаётир. Бу масала билан жиддий шуғулланиш талаб этилади. Колхозларда юқори малакали энергетик кадрлар, электростанция ва электр линияларни бошқариб турадиган, уларнинг нормал ишлаб туришини таъминлайдиган мутахассислар жуда кам. Колхозларни мутахассис энергетиклар билан таъминлаш энг зарур вазифалардан биридир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги областни электрлаштириш генерал схемасининг узоққа чўзмай битказилишига эришиши, колхозларда ўрнатиладиган стационар ва кўчма электростанциялар типини ҳамда уларга ўрнатиладиган ускуналар типини тез вақт ичида белгилаб бериши ҳамда мана шундай станция ва ускуналар билан область колхозларини таъминлай бошлаши керак. Матлубот кооперацияси органлари эса қишлоқларни столба ва электрлаштириш учун зарур бўладиган бошқа материаллар билан кўпроқ таъминлаш тўғрисида қайғиришлари зарур.

Областимиз қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари, айниқса пахтачилик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Колхоз, совхоз, МТС ва РТСларни ёппасига тўла-тўкис электрлаштириш тўғрисида жиддий талабларни амалга оширмай туриб, бундан буён пахтачиликда, чорвачиликда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳамда аҳолининг коммунал-маиший талабларини қондириш соҳасида кўнгилдагидек натижаларга эришиш қийин.

И. БУРНАШЕВ.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари

Мусобақадош Андижон область пахтакорларининг маслаҳати асосида ғўза парваришидаги камчиликларни тезда бартараф қилайлик!

☆ ☆

Мўл ҳосил нишоналари

Колхозчилар, механизаторлар ҳамкорликда меҳнат қилиб, чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказган эдилар. Бугун улар ана шу меҳнатларининг яхши натижалар берганлигини кўриб қувонмоқдалар. Текис униб чиққан кўчатларни сира нобуд қилмасдан зарур қалинликда сақлаб қолиш чораларини қидириб топмоқдалар. Шу кунларда колхозда бўлсангиз 21 «универсал» ва бошқа машиналар ёрдамида ғўза парваришн қизитиб юборилганлигини кўрасиз. Пахтакорлар, 1150 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганмиз, бу ҳазил гап эмас, шунинг учун мўл ҳосилга шу кунларда замин яратайлик, деб ғўза қатор ораларини ишлаш билан бирга ола чиққан ерларга қайта чигит экмоқдалар. Шунингдек ғўзани эрта муддатларда озиқлантириш иши ҳам кучайтириб юборилган.

Бу ерда бригадалараро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жупарой Умарова ва Убайдулла Мирахмедов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари социалистик мусобақада, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар.

— Бу йил бригадамизда,—дейди ўртоқ Умарова, — 54 гектар ерда пахта етиштирмоқдамиз, ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганмиз. Бригада аъзолари бу аҳднинг удасидан чиқиш учун чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказдилар, шу кунларда ғўза парваришн қизғин давом этмоқда.

Фидокор механизатор Рустамжон Ўсаров ғўза парваришида колхозчиларга актив ёрдам бермоқда. У ўз агрегати билан ғўзани узунасига ва кўндалангига парвариш қилишда зўр ютуқларга эришиб, кунига 9-10 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилиб бермоқда.

Қаҳрамон бошлиқ бригада аъзолари Файзи Қурбонов, Жумагул Жўлибоева, Бодом Арабова, Қандим Қаршиева сингари ўртоқлар ғўза чопиғида актив қатнашаётирлар.

Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзолари ғўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар. Шу районлаги Ленин номли колхозда ҳам мўл ҳосил учун астойдил курашилляпти. Колхозда ўтган йили 650 гектар ерга чигит экилиб, ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил колхозда 140 гектар янги ер ўзлаштирилиб, пахта майдони кенгайтирилди. Колхоз аъзолари ана шу янги ўзлаштирилган ерларда ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Ленин номли колхоз далаларини айлансангиз яшил квадратлар билан қопланган карталар кўзга тез-тез ташланиб туради. Колхозчилар, бу мўл ҳосил нишоналари, шунинг учун ҳар туп кўчатни кўз қорачиғидай асраб парвариш қилайлик, деб ғайрат билан ишлаётирлар.

А. ТОҒАЕВ.

Юқори ҳосил учун

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг коммунист У. Жўраев ва Ш. Мусаев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, чигит экишни колхозда илғорлар қаторида тамомлаган эдилар. Шу кунларда бу илғор бригадаларнинг далаларида бўлиб, колхозчиларнинг муваффақиятли иши билан танишган ҳар бир киши, ғўзаларнинг бир текис униб чиққанлигини кўриб қувонади. Ҳозир бу бригадаларда ғўза парвариши ҳар тарафлама кучайтирилиб, қатор ораларини 50х50 схемаси бўйича икки томонлама культивация қилиш қизитиб юборилди... Илғорлар ҳозир барча майдонларда кўчатларнинг нормал қалинликда сақлаб қолиниши учун курашаётирлар.

«Ленин йўли» колхози аъзолари бу йил 1500 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Шу шарафли вазифани бажариш учун колхознинг ҳамма бригадаларида ўзаро социалистик мусобақа кучайтирилди.

Акмал ПЎЛАТ.

ФЕЛЬЕТОН

ШОВҚУН-СУРОН НОҒОРА

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхоз ҳамма имконият бўлишига қарамай ўтган йил давлат пахта тайёрлаш планини бажармади. Колхоз бу йил 800 гектар ерга чигит эккан. Колхоз раиси ўртоқ С. Бўриев бу йил мўл ҳосил етиштириб, планни сўзсиз бажарамиз, деб эрта баҳордан бери жар солиб юрибди.

Лекин колхозда ғўзанинг дастлабки парвариши қулай агротехника муддатларида ўтказилмаётир. Культивация суръати ва сифати паст. От культиваторларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратилмаган. Кўпгина колхозчилар дала ишларига қатнашмаётир. Колхоз раҳбарлари ўз айбларини яшириш учун бир қанча колхозчиларни «бошқа ишларда» баҳонаси билан ғўза парваришига тўла сафарбар этмаганлар. Ўртоқ Бўриев камчиликларни бартараф қилиб, ғўза парваришини кучайтирмай парвойи палак, таралла-бедод қилиб юрмоқда.

(Мухбир хабаридан).

Бу колхозда шовқун-сурон ноғора,
Чалинмоқда қарнай-сурнай, тоғора.
«Экиб бўлдик, қойил қилдик, дўндирдик,
Ғалабани «гаҳ» деб қўлга қўндирдик.
Биринчи сорт, лўппи пахта терамиз,
Гектаридан қирқ центнер берамиз.
Энди базм ишрат қурсак арзийди,
Кўкрак кериб ғоздек юрсак арзийди».
Мақтончоқлик авжга чиқди бу ерда,
Ҳиммат билан меҳнат қилиш қаерда?
Чигит экиш резинкадек чўзилди,
Кўп карталар қайта-қайта бузилди.
Ола-тароқ ғўзаларнинг ораси,
Кўринмайди ўт ичида қораси.
Ҳар бир кўчат қичқиради аламлик,
Авжга чиқди колхозда кўп беғамлик.
Ана қаранг, қизғин иш йўқ далада,
Ҳуррак отар дангасалар панада.
Қани ўша тантанали ваъдалар,
Таъсир қилмас сизга танқид, таъналар.
Бу аҳволда қоласиз-ку армонда,
План тўлмай эл олдида шарманда.
Ишингизда кўринмайди ҳеч суръат,
Қуруқ ваъда билан ўтмоқда фурсат.
Ғаниматдир ҳар кун, ҳар минут, ҳар чоқ,
Унутмангиз буни колхозчи ўртоқ.
Бутун куч, техника далада бўлсин,
Шавкатли меҳнатдан кўнглимиз тўлсин.

☆ ☆

Н. Леушин чизган расм.

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашни ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар. **Суратда:** 1. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Убайдуллахўжаев** (чапда) илғор бригада бошлиғи **Т. Назаров** билан суҳбатлашмоқда. 2. Уста сувчи, звено бошлиғи **З. Файзиев** қаторларга сув тарамоқда. **В. Салов** фотоси.

Бекобод пахтакорлари ғўза парваришида техникадан унумли фойдаланмаётирлар

Сўнгги кунларда областнинг энг йирик Бекобод райони колхоз ва совхозлари пахта далаларида бўлдик. Бир неча йиллардан буён орамизда давом этиб келаётган ўзаро социалистик мусобақа шартларининг бу районда қандай бажарилаётганлиги билан танишдик.

Биз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Шукуралиев раҳбарлик қилаётган Дзержинский номли колхознинг илғор бригадаларида бўлганимизда кишини қувонтирадиган ишлар олиб борилаётганлигини кўриб хурсанд бўлдик. Колхознинг 15-трактор-далачилик бригадасида кам меҳнат сарф қилиб, юқори ҳосил етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилинмоқда. Тўхтаматов, Боймуротов ўртоқлар 3-4 тадан чин барг чиқарган ғўзаларни ҳам узунасига, ҳам кўндалангига сифатли культивация қилмоқдалар. Механизация ёрдами билан ягана қилинган ғўзалар эркин ривожланаяпти.

2-«Далварзин» совхозининг 1-бўлими ишчи ва механизаторлари ҳам ғанимат кунларнинг қадрига етмоқдалар, техникадан яхши фойдаланиб, ғўза парваришини ҳар тарафлама авж олдираётирлар. Бизни айниқса, бўлимнинг 2-бригадасида олиб борилаётган ишлар мамнун қилди.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам ғўза парвариши бир хилда сифатли олиб борилмаётганлиги, яганалаш ва культивациянинг кечикаётганлиги, озиқ талаб карталардаги ғўзага ўғит солинмаётганлиги, ҳашаротларга қарши етарли кураш олиб борилмаётганлиги бизни ранжитди.

Бундай аҳволни ҳатто Дзержинский номли илғор колхознинг бир қатор бригадаларида ҳам учратдик. Колхоз МТС ихтиёридан зарур техникани сотиб олибди. Аммо ана шу техникадан ҳамма бригадаларда ҳам тўла ва унумли фойдаланилмаётганлигини айтиб ўтиш керак.

Колхозда ҳалигача 2 та универсалга культиватор тиркалмаган. 20 та универсалнинг 3-4 таси ҳар куни турли баҳона билан ишламаслан бекор туради. Биз бир қатор бригадалар далаларида бўлганимизда Абдуҳафизов, Элмуродов, Деҳқонов каби механизаторларнинг ҳаддан ташқари унумсиз ишлаётганликларини, шу билан бир қаторда улар бошқараётган универсалларнинг иш органлари жойида бўлмаганлиги сабабли ғўзаларнинг культивацияси сифатсиз ўтказилаётганлигини аниқладик. Шунинг натижасида улар хизмат қилаётган бригадаларда ғўзаларнинг ривожи паст, ўсишдан қолмоқда.

Карл Маркс номли колхозда эса ғўзаларни кўндалангига культивация қилишга етарли эътибор берилмаётир. Бор техникадан жуда ёмон фойдаланилмоқда. Биз колхозда бўлган кунимиз 1, 8, 11-бригадаларда 3 та универсал кун бўйи бекор турди, чунки универсалчи Қолдибоев, Ҳасанов ўртоқлар сўроқсиз агрегатларини ташлаб, ўз шахсий ишларига кетиб қолибдилар. Бу колхозда ҳам культивация даврида ғўзаларнинг таги яхши юмшатилмаяпти, ўртоқ Сулаймонов культивация қилган 8 гектар ер брак деб топилди. Кўпгина бригадаларда ҳалигача 3-4 чин барг чиқарган ғўзаларни ягана қилишга киришилмаган, бу карталарни ғумай ва бегона ўтлар босиб кетган, ҳашаротларга қарши ҳеч қандай кураш олиб борилмаётир. Биз колхозда ишлаётган бирорта ҳам ОДН машинаси кўрмадик.

Район колхозларида от культиваторларидан фойдаланишга ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда. Буни яна ўша ўртоқ Холиқулов раислик қилаётган Карл Маркс номли колхоз мисолида яққол кўриш мумкин. Агар раҳбарлар мавжуд 20 та от культиваторидан фойдаланганларида эди, шунчалик камчиликларга йўл қўйилмаган бўлар эди.

Райондаги Ленин номли колхозда ҳам худди ана шундай аҳвол. Бу колхозда 15 та от культиваторидан фақат 5 таси ишлатилмоқда. Ваҳоланки, шу кеча-кундузда дарҳол культивация қилиниши лозим бўлган асосий карталардаги ғўзаларни қатқалоқ босиб ётибди.

Колхозда суғориш учун ҳам ҳеч қандай тайёргарлик йўқ. Ўртоқ Эрматов бошлиқ бригадада ерда етарли нам бўлмаганлиги сабабли чигит тўла униб чиқмаяпти. Биз бу карталарга дарҳол сув қуйишни маслаҳат берардик. Афсуски бригада бошлиғи ҳам, колхоз раиси ўртоқ Мирзаев ҳам эгат очиш, ўқариқлар олиш каби муҳим ишлар кечиктириб юборилаётган бўлса ҳам ҳеч қандай амалий тадбирлар кўрмаётирлар.

Райондаги айрим колхозларда меҳнат интизомининг бўшашиб кетишига йўл қўйилган. Биз Энгельс номли колхозда бўлганимизда ҳалига қадар ғўза парваришига жалб қилинмаган, белгиланган нормани бажармаётган колхозчилар сони анчагина эканлигини аниқладик. Колхоз раҳбарлари (раиси ўртоқ Дўстмуродов) бунга қарши ҳеч қандай чора кўрмаётирлар. Далачилик бригадаларида иссиқ овқат ташкил қилинмаган, ясли ва болалар боғчаси ишламаяпти. Колхоз бошланғич партия ташкилоти ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юборишга, дала шийпонларини маданий дам олиш марказига айлантиришга ҳафсаласизлик билан қарамоқда. Йўл қўйилаётган ана шу қатор камчиликлар туфайли ғўза парвариши ҳаддан ташқари кечикаётир. Биз колхознинг пахта далаларида бўлганимизда культивация қилинмаганлиги сабабли ўт босиб ўсишдан қолаётган, вақтида озуқа берилмаётганлиги сабабли эркин ривожланмаётган ғўзаларни кўриб афсусландик.

Ахир биз санаб ўтган колхозларнинг раҳбарлари наҳотки ҳосил тупидан олинишини билмасалар! Биз колхозларда бўлганимизда ҳам, «Чаноқ», 1- ва 2-«Далварзин» совхозлари бўлимларида бўлганимизда ҳам ҳалигача ўқариқ ва марзаларга, ола чиққан қатор ораларига қўшимча чигит экиш тамомланмаганлигини кўрдик.

Район раҳбарлари (райком секретари Каримов, ижроком раиси Қодиров ўртоқлар) ғўза парваришида техникадан дуруст фойдаланилаётганлиги ҳақида сўзлаган эдилар. Текширишда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Ҳалигача 100 га яқин культиватор универсалга тиркалмабди. Пахта далаларида эса 465 та универсалдан фақат 250 таси ишламоқда. Колхозларда 80 та от культиваторидан 28 тасидан фойдаланилаётир, холос. МТСларнинг раҳбарлари ҳам бу ҳақда ҳеч қандай бош қотирмаётирлар.

Бекобод район пахтакорлари ғўза парваришидаги ана шу қолоқликка тезда барҳам беришлари, олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун астойдил бел боғлаб ишлашлари керак.

Н. ИБРОҲИМОВ,
Андижон область Ленин район партия комитетининг секретари.

И. ЙЎЛДОШЕВ,
Андижон район Қўнжи қишлоқ советининг раиси.

К. АҲМЕДОВ,
Андижон область, Ленин районидаги «Правда Востока» колхози партия ташкилотининг секретари.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Дастлабки парвариш тугалланай деб қолди

Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхози ишчи ва механизаторлари ўтган қишлоқ хўжалик йилида бирмунча камчиликларга йўл қўйганликлари сабабли пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмаган эдилар. Улар бу йил ана шундай камчиликларга йўл қўймаслик учун курашмоқдалар.

Шу кунларда совхоз бўлимлари пахта далаларида бўлган киши мўл ҳосил учун курашаётган ишчи ва механизаторларнинг ҳалол меҳнатларини кўриб хурсанд бўлади. Айниқса, совхознинг 2, 3- ва 5-бўлимлари илғор бригадаларида иш яхши уюштирилган. 5-бўлимнинг Умаров, Сатторов, Ўтаров, 2-бўлимнинг Йўлдошев, 3-бўлимнинг Юсупов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўзанинг дастлабки парвариши тугалланаётир. Моҳир механизаторлар — Усмонов, Қўлтоев, Замонтоев, Ғозиев, Зияев ўртоқлар ғўза парваришида кунлик нормаларини 1,5-2 ҳисса бажариб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлаётирлар, мўл ҳосил учун курашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар.

Шунингдек, райондаги Максим Горький номли колхоз аъзолари ҳам ғўза парвариши соҳасида дуруст натижаларга эришмоқдалар. 10 та универсал билан квадратуялаб ўстирилаётган ғўзалар сифатли культивация қилинмоқда.

К. ҚОДИРОВ,
Ғ. ҒУЛОМОВ.

ГУЛБАҲОР

Ёнма-ён борардик от миниб иков,
Колхоз кўчасидан тонготар палла.
Парторг сўз бошлади:
— Қаранг, ҳў анов...
Шу пайт янграб кетди шўх, қувноқ ялла.
Ялт этиб қарадик ўша томонга,
Шод қизлар борарди эгат оралаб:
Жамалан сочлари бошларда чамбар,
Меҳнат нашъасидан юзлари порлаб.
— Оқариб кўринган, — давом этди у, —
Ана шу ёшларнинг дала шийпони.
Ажиб ҳовузи бор-мисоли кўзгу,
Қулф уриб очилган гулзор тўрт ёни.
Барчаси новқирон-комсомол қизлар,
Мўл ҳосил олишар ҳар кузак ердан.
Тан берамиз, қойил қоламиз бизлар,
Ғайратда қолишмас ҳар бири шердан.
Бригада бошлиғи машҳур Гулбаҳор,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони у.
Уз ишига доим эпчил — миришкор
Чарчашни билмайди, билмайди уйқу.
Дала шийпонини кўриб тан бердим:
Думоққа анқитар атрини гулзор.
Ҳаммаёқ саришта, шинам, бежирим;
Электр, телефон, «Рекорд»... бари бор.
Парторг бошлаб кетди мени, бепоён, —
Яшнаб ўсаётган пахтазор сари.
Ғўзасин парвариш қиларди шодон,
Илғор бригаданинг йигит-қизлари.
Дилни мафтун этиб, меҳринг тортади
Тун-кун яшнаётган чексиз пахтазор.
Қанча боқсанг шунча завқинг ортади,
Ишлар бригадаси билан Гулбаҳор.

Мавлон ИКРОМ.

☆ ☆

Механизаторлар мўл ҳосил учун курашда

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхоз механизаторлари пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида бу йил ҳар йилгидан ҳам зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар бу соҳада механизация асосий роль ўйнашини яхши англаб, ер шароитига қараб ғўзанинг дастлабки парваришини ҳар қачонгилан ҳам кучайтириб юбордилар. Механизаторлар орасида, айниқса Маҳмуд Охунов ғўзани культивация қилишда кундалик нормани 1,5-2 баравар бажариб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Бу моҳир универсалчи ҳозир нормада белгиланган 8 гектар ўрнига ҳар куни 9-10 гектар ердаги ғўзани сифатли қилиб культивация қилмоқда. Шунингдек Жалил Қурбонов, Немат Тожиев ва Эргаш Мақсудовлар чигит экишда кўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳар куни 10 — 12 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилаётирлар.

— Кунлик иш нормамни 2 бараварга етказиб бажаришимда ҳеч қандай сир йўқ, — дейди илғор универсалчи Ўртоқ Маҳмуд Охунов, — универсални техника кўригидан ўз вақтида ўтказиб туриш, ишга барвақт чиқиб, кеч қайтиш ва ҳар бир иш соатидан тўла ва унумли фойдаланиш унумли ишлашимнинг гаровидир.

Ўртоқ М. Охунов мавсумда 1200 гектар ердаги ғўзани сифатли парваришлаш мажбуриятини олган. Ўз аҳдига амал қилган илғор универсалчи ҳозир ҳалол меҳнат қилиб, универсалчилар орасида катта обрў қозонмоқда.

Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти механизаторларнинг унумли ишлашлари учун зарур моддий ва маданий шароитлар яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

И. ИБОДОВ.

Янги ерларни суғориш учун кўплаб машиналар юборилмоқда

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозлари 1958 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун мўлжалланган янги ерларни ўзлаштириш планини бажардилар. Кўпчилик хўжаликлар қўриқларни ва яйлов массивларини ўзлаштиришни давом эттирмоқдалар.

Ўзлаштирилган майдонларнинг кўпчилик қисми суғориш каналларидаги сув юзасидан анча юқорида жойлашгандир. Бу майдонларга сув чиқариш учун ҳозир колхоз ва совхозлар, РТС ва МТС ларга турли маркада ишланган кўплаб насос установкалари юборилмоқда. Тошкент машинасозлик заводлари бу йил Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик фанлар академияси ирригация илмий-текшириш институти томонидан яратилган «10-ПР» маркали мукаммаллашган пропеллер насосларни ишлаб чиқаришга киришди. Бу янги насос кичик габаритли бўлиб, унга одатдаги насосларга қараганда металл 3 марта кам сарфланади. Шу сабабли уни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш ва кичик участкаларни суғоришга ҳам қулайдир. «10-ПР» насоси сувни 6 метр баландликка чиқаради ва мавсум мобайнида 100 гектардан ортиқ майдонга етадиган сув чиқара олади. Бу ҳозирги пайтда кенг қўлланилаётган электродвигатель қуввати бир хил бўлган «Андижанец» насосидан 4 марта кўпдир.

Шунингдек, хўжаликлар марказдан қочиш системасида ишланган, сувни 65 метр баландликка кўтара оладиган ва 300 гектардан ортиқ майдонни сув билан таъминлай оладиган насослар билан ҳам кўплаб таъминланмоқда.

Ўтган йилга қараганда бу йил Ўзбекистон ССР хўжаликлари насосларни икки марта кўп олмоқдалар. Бу насослар сув чиқмайдиган янги ўзлаштирилган ерларни каналларда сувнинг озайиб, оқиб чиқиши қийинлашган пайтда ўн минглаб гектар ерларни сув билан мўл-кўл таъминлаш имконини берали.

(ЎзТАГ).

Қатор ораларини ишлаш кучайтирилди

81 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун астойдил бел боғлаган Октябрь районидаги Калинин номли колхознинг коммунист ўртоқ М. Мирубаев бошлиқ бригада аъзолари ўз юксак мажбуриятларига яраша меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозир барча майдонларда чигит тўлиқ ундириб олинди. Бригада аъзолари қатор ораларини биринчи комплекс ишлашни тамомлай деб қолдилар.

Бригаданинг илғор қизларидан Санобархон Олимжонова, Муқаддамхон Ғаффорова, Саломатхон Аҳмедовалар нормадаги 0,30 гектар ўрнига ҳар куни 0,40-0,45 гектар ердаги ғўзани ягана қилмоқдалар. Механизатор ўртоқ Шокир Курсенов кунига 10-12 гектар ердаги ғўзани сифатли культивациядан чиқармоқда. Чопиқчи йигитлардан Амир Бўтаев ва Турдивой Ниёзовлар нормаларини 1,5-2 ҳиссадан ало этиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

А. ЖАЛОЛОВ.

Ғўза парвариши усталари

2-«Далварзин» совхозининг 5-бўлимидаги Эргаш Нурматов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари 123 гектар майдондаги ғўзани 60х60 схемасида квадрат-уялаб парвариш қилмоқдалар. Ҳозир барча майдондаги ғўзалар 4 қулоқ бўлди. Бригада механизаторлари бу йил кетмон ишлатмасдан ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар.

Бригаданинг Тўйчи Қаюмов бошлиқ звеносида ғўза парвариши, айниқса сифатли ўтказилаётир. Бу звено ҳозир биринчи парвариш ва озиқлантиришни сифатли тугаллади.

Шунингдек бўлимдаги Шоҳаким Омонлиқов бошлиқ бригада аъзолари ҳам ўзларига биркитилган 76 гектар майдондаги ғўзани сифатли парвариш қилмоқдалар.

Ё. ҲАСАНОВ.

Область районларида ғўза парваришининг бориши тўғрисида 1958 йил 20 майгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш	1-ғўзунасига культивация-лаш	1-кўндалангига культивация-лаш	яганалаш	Кетмон чопиғи	Озиқлантириш
Оққўрғон	104,6	60,8	87,3	47,1	24,4	34,1
Оҳангарон	7,1	28,2	5,2	2,2	6,2	—
Боёвут	80,3	75,6	76,5	72,2	19,5	49,2
Бекобод	95,2	75,4	81,2	78,4	32,0	27,1
Бўка	99,4	51,2	83,8	31,4	45,4	22,0
Верхне-волинск	102,5	76,4	94,1	59,2	44,3	42,0
Юқори Чирчиқ	88,3	57,4	45,0	23,1	31,3	3,6
Гулистон	107,4	60,0	85,2	48,7	33,0	34,2
Калинин	42,5	80,0	42,5	20,4	37,0	—
Мирзачўл	83,0	58,3	80,4	79,8	44,4	30,4
Қуйи Чирчиқ	124,4	55,0	116,7	75,1	17,7	32,5
Октябрь	136,1	69,0	104,4	35,4	40,0	4,0
Оржоникидзе	70,3	100,0	50,7	27,4	56,8	23,7
Пискент	90,8	33,8	83,6	29,0	33,6	39,2
Урта Чирчиқ	108,2	55,0	101,4	74,1	52,4	56,6
Сирдарё	98,7	69,3	87,3	75,4	36,0	22,0
Ўртасарой	100,3	63,6	92,2	53,2	44,8	11,8
Чиноз	110,0	63,5	108,7	58,3	31,2	17,5
Янгийўл	85,1	63,8	74,8	62,2	38,5	23,6
Бўстонлиқ	38,6	50,0	24,5	12,4	54,0	—

Янги даволаш муассасаси

Янги шифохона биносининг умумий кўриниши.

Рак — киши соғлиги учун жуда хавфли касал ҳисобланади. Республикамиз медицина ходимлари ана шу касални даволаш ва олдини олиш соҳасида сўнгги йилларда анча муваффақиятларни қўлга киритдилар. Республика рентгенология, радиология ва онкология илмий-текшириш институти рак ва бошқа хавфли шиш касалликларининг олдини олиш ҳамда даволашнинг янги эффектив методларини ўрганиш, амалда қўлланиш масалалари билан шуғулланмоқда.

Яқинда Тошкентда республика онкология диспансери ҳам очилиб, ишга туширилди. Бу янги даволаш муассасаси рак ва бошқа шиш касалликларининг олдини олиш, даволаш йўлида қилинаётган мураккаб ишларни енгиллаштириш имкониятини беради.

Диспансерда беморларни яхши даволаш учун қулай шароитлар яратилган. Кенг, ёруғ палаталар, ҳозирги замон энг янги медицина ускуналари ва аппаратуралари билан жиҳозланган даволаш кабинетлари ҳамда лабораториялар шундан далолат бериб турибди. Янги шифохонада профессорлар ва фан кандидатлари, моҳир врачлар, меҳрибон ҳамширалар ишлаб турибди. Диспансерининг бош врачи, томоқ, бурун, қулоқ раклари бўйича мутахассис З. Раҳимов, радиология бўлимининг мудири Г. Икромова, радиолог С. Неқаламбоев ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир. Улар ҳар бир беморнинг тезроқ соғайиб кетиши учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни кўрмоқдалар.

Ўзбекистонда энг йирик ҳисобланган бу шифохонада ошқозон, тери, кўкрак бези, ўпка ва гинекологик рак касалликларини аниқлаш, олдини олиш ва даволаш билан бирга, шу касаллик билан боғлиқ проблемалар устида илмий-текшириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Янги шифохона 150 койкага эга. Рентген нурлари ва радий изотоплари кобальтидан фойдаланилиб, рак касалликларини даволаш юзасидан қилинаётган ишлар яхши натижалар бермоқда.

Рентген лаборанти К. Г. Кротова яқин фокусли рентгенотерапия аппарати билан беморнинг кўзи яқинидаги ракни даволамоқда.



Врач И. Р. Куваева ва ҳамшира М. Г. Попова «РУМ-3» маркали рентгенотерапия аппарати ёрдами билан ички ракни даволамоқдалар.

И. Глауберзон фотолари.

ВЛКСМ 40 йиллигига бағишланган бадиий виставка

Комсомолнинг 40 йиллиги муносабати билан ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР рассомлар союзи ва СССР Маданият министрлиги шу йил октябрь ойида Москвада Марказий виставка залида «ВЛКСМ 40 йиллиги» деган Бутуниттифоқ бадиий виставкасини ташкил қиладилар.

Виставкага комсомолларнинг, йигит ва қизларнинг коммунизм йўлидаги умумхалқ курашида иштирок этишини акс эттирадиган, совет ёшларининг юксак ғоявий-маънавий қиёфасини очиб берадиган сураткашлик, графика ва скульптура асарлари қўйилади.

Виставкада профессионал рассомлар (ёшидан қатъи назар), мамлакатдаги бадиий олий ўқув юртларининг диплом ёқловчи студентлари ва юқори курс студентлари, шунингдек совет тасвирий санъатининг муваффақиятлари юксаклигида турган асарларни яратган ҳаваскорлик ижодкорлиги намояндалари ҳам қатнашадилар.

Виставкага тайёргарлик ишларини олиб бориш учун Бутуниттифоқ виставка комитети тузилди. Жойларда маданият органларининг, комсомол ташкилотларининг ва рассомлар ташкилотларининг вакилларидан иборат область, ўлка ва республика виставка комитетлари тузилди.

Область, ўлка ва республика виставка комитетлари совет ёшлари тўғрисидаги темаларда бундан аввал яратилган ва виставка комитетлари томонидан Москвадаги виставкага экспозиция учун тавсия этиладиган асарларнинг рўйхатларини тайёрлашлари ва шу йил 15 июнгача Бутуниттифоқ виставка комитетига тақдим этишлари лозим.

Виставка учун янги асарлар тўғрисидаги маълумотларни Бутуниттифоқ виставка комитетига 1 августгача топшириш зарур. Виставка комитетлари томонидан танлаб олинган асарлар шу йил 15 августгача Москвага юборилиши лозим. Тақдим этиладиган асарлар тўғрисидаги маълумотлар СССР Маданият министрлиги Тасвирий санъат бошқармасига юборилиши лозим (Москва, Неглинная кўчаси, 15-уй).

ВЛКСМ 40 ЙИЛЛИГИГА БИР ПАРДАЛИ ЭНГ ЯХШИ ПЬЕСА УЧУН КОНКУРС

СССР Маданият министрлиги ВЛКСМ Марказий Комитети ва Совет ёзувчилари союзи Ленинчи Комсомолнинг 40 йиллигига совет ёшлари ва Комсомол тўғрисида бир пардалик энг яхши пьеса учун конкурс эълон қилдилар. Бу пьесалар совет ёшларининг меҳнати, ўқиши, дам олиши тўғрисидаги, Советлар мамлакатидаги йигит ва қизларнинг юксак маънавий фазилатлари тўғрисидаги, СССР халқларининг дўстлиги тўғрисидаги, тинчлик учун кураш тўғрисидаги асарлар бўлиши лозим.

Энг яхши асарлар учун уч мукофот ва рағбатлантириш учун уч мукофот белгиланади. (ТАСС).

Анри Барбюс туғилган куннинг 85 йиллиги

Франциянинг атоқли коммунист ёзувчиси, инсониятнинг порлоқ идеаллари учун курашчи, халқимизнинг содиқ дўсти Анри Барбюс номи Совет Иттифоқида катта ҳурмат ва муҳаббат билан тилга олинмоқда. Унинг асарлари СССР да 23 тилда уч миллион нусха босилиб чиққан.

21 майда Адабиётчиларнинг марказий уйида совет жамоатчилиги француз халқининг улуғ фарзанди туғилган куннинг 85 йиллигини нишонлади. В. Катаев қисқача кириш нутқи сўзлаб, кечани очди.

А. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти директори профессор И. И. Анисимов А. Барбюснинг ҳаёти ва фаолиятига доир баъзи янги ҳужжатлар ҳақида, унинг А. М. Горький билан дўстлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Кечада кекса партия аъзоси Е. Д. Стасова, ёзувчилардан Л. В. Никулин, А. И. Исбах ва бошқалар қатнашдилар. Улар Анри Барбюс билан учрашувлар тўғрисида ўз хотираларини сўзлаб бердилар.

(ТАСС).

Чет элларда

ПРЕЗИДЕНТ СУКАРНОНИНГ «НЕЙЕС ДЕЙЧЛАНД» ГАЗЕТАСИДА БОСИЛГАН СУҲБАТИ

БЕРЛИН, 21 май. (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетаси бугунги сонида Индонезия республикасининг президенти Сукарнонинг шу газетага берган суҳбатини босиб чиқарди. Президент Осиё давлатлари ўртасида хавфсизлик пакти тузиш имконияти ҳақидаги саволга жавоб қайтариб, бундай дейди: Осиё миллатлари ўртасида тузиладиган ҳар қандай пакт бундан уч йил муқаддам Бандунг конференциясида Осиё ва Африкадаги 29 миллат томонидан якдиллик билан маъқулланган ўн принципнинг тўғрилигини тасдиқловчи янги далил бўлади. Бу принциплар халқаро миқёсда тинчликка эришиш йўлини кўрсатиб беради.

Цейлон бош министри Бандаранаикенинг Бандунг конференциясида қатнашган мамлакатларнинг, жумладан, ана шу мамлакатларга доир иқтисодий проблемаларни муҳокама қилмоқ учун яна конференцияни чақириш тўғрисидаги таклифига тўхталиб, Сукарно бундай конференция фойда келтирган бўлур эди, деган фикрни изҳор қилди.

Польша ҳукуматининг Европада атомсиз зонани вужудга келтириш тўғрисидаги таклифи ҳақида берилган саволга жавоб қайтариб, президент бундай деди: Бутун дунёдаги яхши ниятли кишиларнинг ҳаммаси атом уруши хавфини, ҳатто, бирмунча бўлса ҳам камайтира оладиган ҳар қандай планни қўллаб-қувватлаши лозим.

Бизнинг иқтисодий, техника, илмий ва маданий ҳамкорлик соҳасидаги сиёсатимиз, деб таъкидлади Сукарно, тамомила равшандир. Биз бундай ҳамкорликни истаймиз ва бундай ҳамкорлик йўлида қайси мамлакатнинг ташаббус кўрсатишидан қатъи назар, бу ҳамкорликни табриклаймиз. Аммо, бундай ҳамкорлик бир-бирларини ҳурмат қилишга асосланган чинакам ҳамкорлик бўлмоғи керак ва бунинг учун бизнинг сиёсий мустақиллигимизни чеклаб оладиган талаблар қўйилмаслиги керак.

ИНДОНЕЗИЯНИНГ ҲУКУМАТ ҚЎШИНЛАРИ ГОРОНТАЛО ШАҲРИНИ ОЗОД ҚИЛДИЛАР

ЖАКАРТА, 21 май. (ТАСС). Антара агентлигининг хабар беришича, Шимолий Сулавесида исёнчиларга қарши кураш олиб бораётган Индонезия ҳукумат қўшинлари 20 майда исёнчиларнинг штаб-квартираси бўлган Манадодан 140 километр шарқи-жанубда жойлашган Горонтало шаҳрини ишғол қилганлар. Уруш ҳаракатлари давомида исёнчиларнинг бир кемаси қўлга туширилган, 30 исёнчи ўз қуроллари билан таслим бўлди.

Маҳаллий аҳоли шаҳарни озод қилган ҳукумат қўшинларини хурсандчилик билан табриклади.

Сўнгги хаборотда айтиладики, Марказий Сулавесида ҳукумат қўшинлари авиация ёрдами билан исёнчиларга қарши уруш ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Бу ҳаракатлар натижасида бир мунчақурол-яроғ ва ўқ-дори қўлга туширилди. Бу қурол-яроғ ва ўқ-дорилар исёнчиларга Тайвандан етказиб берилган.

ЛИВАНДА АҲВОЛ

БАЙРУТ, 21 май. (ТАСС). Ливаннинг ички сиёсий аҳволи кескинлигича қолмоқда. Мамлакатнинг пойтахти Байрутда аввалдагидек ҳозирда ҳам умумий забастовка кучайиб кетган. Шаҳардаги кўп муассасалар, магазинлар ва кинотеатрлар ёпилди. Ўтган кечаси Байрутда бомбаларнинг портлашлари эшитилган. Пойтахтнинг марказий майдонларидан бирида катта бомба портлатилган. Шаҳарнинг кўп кварталларидаги кўчаларда отишмалар давом этмоқда. Ўлган ва яралар бор. Ҳукумат қўшинлари Байрут кўчаларида соқчилик қилиб юрибдилар.

Ливан матбуотининг хабарларига кўра, қўзғолончилар мамлакатнинг бир қанча районларида ҳали ҳам ташаббусни ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар. Тараблис шаҳрида қўзғолончи отряд лар билан «хавфсизлик кучлари» ўртасида қуролли тўқнишлар давом этмоқда. Тараблисдан берилган хабарда айтилишича, шаҳарда кейинги вақтларда бўлган шиддатли жанглар натижасида неча юзлаб киши ўлдирилган ва яралар бўлган. Бугун қўзғолончилар ҳукумат қўшинларининг шаҳар қалъасини ишғол қилиш йўлидаги уринишларини муваффақиятли суратда даф қилганлар. Қўзғолончиларнинг асосий кучлари ана шу қалъата тўпланган. Шаҳарда фашистларга тарафдор бўлган ва «миллий-социал партия» деб аталган ташкилотнинг отрядлари тугатилган. Ана шу отрядлар ҳукумат қўшинлари томонида туриб ҳаракат қилган ва маҳаллий аҳолини террор қилган эдилар.

Ливаннинг собиқ бош министри Рашид Кераме Тараблисдаги халқ ҳаракатига бошчилик қилмоқда. У, ҳукумат қўшинлари сон жиҳатидан кўп бўлишига қарамай, қўзғолончилар шаҳарда ташаббусни тамомила ўз қўлларида сақлаб турибдилар, деди.

Ливаннинг жанубида қўзғолончиларнинг 1.000 кишилик отряди аҳоли яшайдиган бир қанча пунктларни ишғол қилган. Маржуюн шаҳрида қўзғолончилар муниципалитет биносига ва жандармерия бошқармасига ҳужум қилганлар.

Тира, Сайд, Бинт-Жебел, Набатия ва Ливаннинг бошқа шаҳарларида ҳозирги Ливан ҳукуматининг ғарбга тарафдорлик сиёсатига қарши норозилик юзасидан умумий забастовка ва намойишлар давом этмоқда.

Мамлакатнинг шимолида, Шуф тоғлик районида ҳозирда ҳам друз қабиласига мансуб қўзғолончилар устундирлар. Бу районда «хавфсизлик кучлари» билан қўзғолончи отряд лар ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда.

НЬЮ-ЙОРК, 21 май. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири билдиради: Ливан ҳукумати қўзғолон кўтарган аҳолига қарши йирик ҳарбий қисмларни ташлади. Ана шу ҳарбий қисмлар ихтиёрида бронетранспортерлар, 88 миллиметрли миномётлар ва тўплар бор. Ана шу қуроллар Америкада ишлаб чиқарилган.

БАЙРУТ, 21 май. (ТАСС). «Алкифах» газетасининг билдиришича, Ироқ ҳукумати халқ қўзғолонини бостиришда Ливан ҳукуматига ёрдам бериш учун Ливанга қурол-яроғлар юборган.

НЬЮ-ЙОРК, 21 май. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг билдиришича, Америка Қўшма Штатлари Ливан ватанпарварларига қарши кураш олиб бориш учун яқин қиларда Ливанга енгил танклар, шунингдек противогазлар ва кўзни ёшлатадиган газлар юборади.

ҚОҲИРА, 21 май. (ТАСС). «Ашшаоб» газетасининг билдиришича, Иорданияда Ливан халқининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаш ҳаракати кенгайиб бормоқда. Иордания ватанпарварлари, дейилади хабарда, варақалар тарқатмоқдалар. Бу варақаларда: «Ливан халқининг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган кураши бутун Араб Шарқида империализм агентларига қарши ва уларнинг малайларига ҳам қарши олиб бораётган курашдир» дейилади.

ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ VIII СЪЕЗДИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА

ПЕКИН, 21 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради:

Хитой Коммунистик партияси VIII съездининг иккинчи сессияси 19, 20 ва 21 майда ўз ишини давом эттирди. Мажлисларда Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ўртоқ Лю Шао-ци қилган ҳисобот доклади ҳамда турли мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москвада бўлиб ўтган кенгашлари тўғрисида ўртоқ Дэн Сяо-пин доклади муҳокама қилинди.

ФРАНЦИЯДА АҲВОЛ

Пфлимлен республика кенгашида нутқ сўзлади

ПАРИЖ, 21 май. (ТАСС). Министрлар советининг раиси Пфлимлен Республика кенгашида нутқ сўзлаб, ҳукуматнинг Жазоирда ўз сиёсатини ўтказиши учун унга берилган фавқулодда ваколатлар ҳарбий маъмурлар ихтиёрига топширилганлигини айтди. У, ҳукуматнинг Жазоирдаги уруш ҳаракатларини кучайтириш нияти борлигини яна таъкидлади ва шу билан бирга, ҳарбий раҳбарларни ва, жумладан, генерал Саланнинг «садоқати»ни мақтади. Аммо, деди Пфлимлен, «исёнчи баъзи элементлар Жазоирда тузилган ижтимоий нажот комитетларига суқилиб кира олдилар».

Шундан кейин Республика кенгаши Жазоирда ҳукуматга фавқулодда ваколатлар бериш тўғрисидаги қонун проектини маъқуллади. Бу қонун проекти кеча Миллат мажлисида қабул қилинди.

ГЕНЕРАЛ САЛАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 21 Май. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг билдиришича, Жазоирдаги француз қўшинларининг қўмондони генерал Салан кеча кечқурун шу шаҳар майдонида нутқ сўзлаган. Салан бу нутқида генерал де Голлни мақтаган ва уни «халоскор» деб атаган. Салан ўз нутқида генерал де Голлнинг 19 майда Парижда ўтказилган матбуот конференциясида айтган гапларини такрорлаган.

ФРАНЦУЗ АДМИРАЛЛАРИ ГЕНЕРАЛ САЛАННИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, 21 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги билдиради: Ўрта денгиздаги француз ҳарбий денгиз кучлари қўмондони адмирал Абуано ўзига бўйсунган Оран ҳарбий денгиз округи префекти вице-адмирал Желининг буйруғини маъқуллаган. Жели генерал Саланни қувватлаб чиққан. Жели ўз буйруғида командирларни ва матросларни «раҳбаримиз генерал Салан тевараги»га жипслашишга чақирган.

СОВЕТ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ВЕНА, 22 май. (ТАСС). Кеча Венаданги марказий стадионда футбол бўйича Мудофаа министрлиги Марказий спорт клуби командаси билан Австрия армияси терма командаси, ўртасида учрашув ўтказилди. Совет футболчилари 5:2 ҳисоби билан ғалаба қилдилар.

БИЛДИРИШ

Шу йил 28 май кеч соат 8 да Ҳамид Олимжон номли адабиётчилар уйида (1 Май кўчаси, 20) шоир Мамарасул Бобоевнинг ижодий кечаси ўтказилади. Қизиққан ўртоқларнинг келишлари мумкин.

Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзининг правленияси.

„Макр ва муҳаббат" трагедияси студентлар ижросида

Тошкент медицина институти драм тўгарагининг қатнашчилари «Алишер Навоий», «Тоҳир ва Зуҳра», «Юрак сирлари», «Оғриқ тишлар» спектакларини тамошабинларга кўрсатиб, коллективнинг ҳурматига сазовор бўлган эдилар.

Тўгарак қатнашчилари Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадасини муносиб совға билан кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, улуғ немис классик драматурги Фридрих Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» трагедиясини саҳнага қўйдилар.

Студент ҳаваскорлар яқинда Ҳамза номли ўзбек давлат академик драм театрининг ёзги биносида «Макр ва муҳаббат» трагедиясини студентлар, профессор—ўқитувчилар коллективига муваффақиятли кўрсатдилар. Трагедиядаги асосий ролларни ҳаваскорлар яхши ўйнаб, образларни ҳаққоний гавдалантириб беришга муваффақ бўлдилар. Студентлардан Маҳкам Муродов (Президент), Искандар Раҳмонов (Вурм), Миркомил Мирсаматов (Гофмаршал), Раъно Хўжаева (Леди Мильфорд), Акмал Аҳмедов (Фердинанд), Муяссар Додамуҳамедова (Луиза), Иброҳим Аҳмедов (Миллер) ларнинг ижрочилик маҳоратлари тамошабинларга ғоят манзур бўлди.

Институт дирекцияси ролларни муваффақиятли ижро этган ҳаваскорлардан Акмал Аҳмедов, Искандар Раҳмонов, Раъно Хўжаева, Муяссар Додамуҳамедоваларга мукофотлар топширди.

А. САЙДАМИНОВ,
М. ЁҚУБОВА.
З. ТУРСУНОВ.

Ўғилжон буви 111 ёшга кирди

Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозида яшовчи Ўғилжон бувн яқинда 111 ёшга кирди. Унинг тўрт ўғли ва уч қизи, 35 невара, чевараси бор. Ўғилжон бувнинг катта ўғли Дўмбой ота 80 ёшга тўлди. Кампир кексайиб қолганлигига қарамай, енгил-елпи уй-рўзғор ишлари билан шуғулланиб турадн.

С. МИРЗАЛИЕВ.

Пионер лагерлари ва санаторийларда 25 минг бола дам олади

Соя-салқин, баҳаво ва хушманзара ерларга жойлашган пионер лагерлари ҳамда санаторийларда дам олиб, соғлиқни мустаҳкамлайдиган кунлар яқинлашиб қолди. Тошкент ва унинг атрофидаги болалар соғломлаштириш муассасаларида шу кунларда қизғин тайёрлик ишлари олиб борилмоқда. Дам олиш мавсуми бошланишига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилади.

Бу йилги мавсумда областимиздаги 34 та пионер лагерида 23 мингдан ортиқ бола дам олади. Шаҳар ва район комсомол комитетлари бу лагерларда ишловчи тарбиячиларни танламоқдалар. Болаларнинг соғлиғини назорат қилиб туриш ва уларга зарур медицина ёрдами кўрсатиш учун 60 га яқин малакали врач ва ўрта маълумотли медицина ходимлари ажратилди. Улар бутун ёз бўйи пионер лагерларида ишлайдилар.

Ёзги дам олиш кампанияси бошланиши билан йил бўйи ишлайдиган 8 та санаторийнинг ҳаммасида койкалар сони кўпайтирилади. Бу санаторийларда ёзги мавсумда 2000 га яқин ўғил-қиз дам олиб, даволанади. Оржоникидзе районидаги «Красная майка» санаторийси эса болалар учун жуда хавфли бўлган полиомэлит касаллигини даволашга мослаштирилди. Санаторийда 100 та доимий койка бор. Бу ерда олиб борилаётган дастлабки даволаш ишлари яхши натижалар бермоқда.

Н. НАСИМОВ.

Темир-терсак йиғиш давом этмоқда

Сирдарё районидаги Ҳамид Олимжон номли 7-ўрта мактаб ўқувчилари ВЛКСМнинг 40-йиллиги шарафига шу кунларда темир-терсак тўплашни давом эттирмоқдалар. Улар шу кунга қадар 6,5 тоннадан ортиқ темир-терсак тўпладилар.

Ўқувчилар яна камида 20 тонна темир-терсак йиғиш учун актив курашмоқдалар. Ўқувчилардан У. Аширалиев, Т. Назаров, Қ. Бойқўлов, Т. Нуралиевлар бошқаларга намуна бўлиб, ҳозиргача 180-200 килограммдан темир-терсак йиғдилар.

Қ. КЕНЖАЕВ.

Ҳар икки ходимдан бири ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқда

Бекободдаги Фарҳод электростанцияси ходимларидан ҳар икки кишининг бири ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ишчи ёшлар мактаби, сиртқи олий ва ўрта билим юртларида ўқиб ўз билимлари ва иш малакаларини оширмоқдалар. Масалан, эксплуатация цехининг ходимлари Ф. Попов, А. Ахмедшин энергетика техникумининг IV курсида, техник Р. Тўқаев алоқа техникумида ўқимоқдалар. Гидроцех ходими Х. Ходов эса энергетика техникумининг гидротехника факультетини тамомлаш арафасида турибди. У шу кунларда ўзи танлаб олган диплом темаси устида қунт билан ишламоқда.

Б. ТАЙКЕНОВ.

Икки комбинат спортчилари

Чирчиқ электрохимия комбинати билан Тошкент тўқимачилик комбинати спортчилари ўртасида самимий дўстлик муносабатлари уч йилдан бери давом этиб келади. Ҳар иккала корхонанинг спортчилари бутун мавсум давомида спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ўтказиб, маҳоратни оширишда бир-бирларига ёрдамлашадилар.

Яқинда спортчилар стол тенниси бўйича мусобақалашдилар. 6:5 ҳисоби билан химия комбинати теннисчилари ғалаба қозондилар. Шу куни городки бўйича ҳам мусобақа бўлди. Бунда тўқимачилар ғолиб чиқдилар. Бу йилги мавсумда иккала корхона ёшлари спортнинг 12 тури бўйича ўз маҳоратларини синаб кўришади.

Телевизор экранида

23 МАЙДА

19.30. «Фан ва техника оламида» циклидан рус тилида эшиттириш.

19.50. Киножурнал.

20.00. Рус опера куйларидан концерт.

20.45. Бадиий фильм — «Мирза Ғолиб» (ўзбек тилида).

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 23/V да **Чин муҳаббат**, 24/V да **Алишер Навоий**.

«ИСКРА» (қишки) — кундуз янги киноповесть **Янги аттракцион**, кеч соат 5 дан **Жиноятчилар иши**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6-35 минутгача **Янги аттракцион**, кеч 8-20 минут ва 10-20 минутда **Жиноятчилар иши**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Янги аттракцион**, кеч соат 8 да ва 10 да **Жиноятчилар иши**.

Гоголь кўчаси, 16-уйда турувчи **Владимир Сергеевич Гречанскийнинг** Жуковский кўчаси, 85-уйда турувчи Татьяна Степановна Гречанскаядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район, 2-участка халқ судида кўрилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

Москвада бўладиган Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси олдидан

23 майда

ХОРАЗМ АШУЛА, МУЗИКА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Мадраҳим Ёқубов (Шерозий)**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова**, солистлардан **Раима Ҳакимова, Ўринбой Отажонов, Нурмат Болтаевлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24 ва 25 майда

Катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Фотима Борухова, Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, Жаҳон фестиваллари лауреатлари **Фозил Харратов, Ғафур Иногомов**, Ўзбекистон халқ ҳофизлари **Ортиқхўжа Имомхўжаев, Одил Мирзақулов**, солистлардан **Берта Давидова, Карим Мўминов, Эргаш Йўлдошев** ва «Баҳор» рақс ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 136. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 06007. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-477.